

**ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ
ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.27.06.2017.Psi.01.07 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ
КЕНГАШ**

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА УНИВЕРСИТЕТИ

УТЕПБЕРГАНОВ МАРАТ АЛЛАНАЗАРОВИЧ

**ҚОРАҚАЛПОҚ ОИЛАЛАРИНИНГ ИЖТИМОЙ ВА
ЭТНОПСИХОЛОГИК МУАММОЛАРИ**

19.00.05 – Ижтимоий психология. Этнопсихология

**ПСИХОЛОГИЯ ФАНЛАРИ ДОКТОРИ (DSc)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2019

**Психология фанлари доктори (DSc) диссертацияси
автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации
доктора (DSc) психологических наук**

**Contents of dissertation abstract of
Doctor (DSc) of Psychological Sciences**

Утепберганов Марат Алланазарович

Қорақалпоқ оилаларининг ижтимоий ва этнопсихологик муаммолари.....3

Утепберганов Марат Алланазарович

Социальные и этнопсихологические проблемы каракалпакской семьи.....33

Utepberganov Marat Allanazarovich

Social and Ethnopsychological problems of the karakalpak family.....63

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Эълон қилинган ишлар рўйхати

List of published works.....67

**ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ
ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.27.06.2017.Psi.01.07 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ
КЕНГАШ
ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА УНИВЕРСИТЕТИ**

УТЕПБЕРГАНОВ МАРАТ АЛЛАНАЗАРОВИЧ

**ҚОРАҚАЛПОҚ ОИЛАЛАРИНИНГ ИЖТИМОЙ ВА
ЭТНОПСИХОЛОГИК МУАММОЛАРИ**

19.00.05 – Ижтимоий психология. Этнопсихология

**ПСИХОЛОГИЯ ФАНЛАРИ ДОКТОРИ (DSc)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2019

Психология фанлари доктори (DSc) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2017.4.DSc/Psi17 рақам билан рўйхатга олинган

Докторлик диссертацияси Тошкент давлат педагогика университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (рус, узбек, инглиз) веб-саҳифанинг www.ik.falsafa.uz ҳамда «Ziyonet» ахборот-таълим порталида www.ziyonet.uz манзилларига жойлаштирилган.

Илмий маслаҳатчи:

Шоумаров Ғайрат Баҳромович,
психология фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар:

Каримова Василя Маманасириевна,
психология фанлари доктори, профессор

Назаров Қиёмиддин Нормирзаевич,
фалсафа фанлари доктори, профессор

Алеуов Усербай,
педагогика фанлари доктори, профессор

Етакчи ташкилот:

Нукус давлат педагогика институти

Диссертация ҳимояси Ўзбекистон Миллий университети ҳузуридаги DSc.27.06.2017.Psi.01.07 рақамли Илмий кенгашнинг 2019 йил «__» ____ соат ____ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100174, Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, Университет кўчаси, 4-уй. Ўзбекистон Миллий университети Ижтимоий фанлар факультети биноси, 5-қават, 511-хона. Тел: (99871) 227-12-24; факс: (99871) 246-52-21, (99871) 246-02-24; e-mail: nauka@nuu.uz).

Диссертация билан Ўзбекистон Миллий университетининг Ахборот ресурс марказида танишиш мумкин ____ рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100174, Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, Университет кўчаси, 4-уй. ЎзМУ Бош ўқув биноси «В» қисм, 2-қават, 217-хона Тел: (99871) 246-52-74.

Диссертация автореферати 2019 йил «__» ____ куни тарқатилди.
(2019 йил «__» ____ да ____ - рақамли реестр баённомаси).

Д.Г.Мухамедова,
Илмий даражалар берувчи
Илмий кенгаш раиси,
психология фанлари доктори, профессор

Ў.Б.Шамсиев,
Илмий даражалар берувчи
Илмий кенгаш илмий котиби,
психология фанлари номзоди, доцент

Н.С.Сафоев,
Илмий даражалар берувчи илмий
кенгаш қошидаги илмий семинар
раиси, психология фанлари доктори

КИРИШ (докторлик (Dsc) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Тадқиқотнинг долзарблиги жаҳонда оилавий ажралишлар ўсиши; отасиз усаётган болалар сонининг ошиши; оилавий-маиший негизида содир этилаётган жиноятлар, хусусан қотиллик, зўравонликлар натижасида оила институтининг кучсизланиши билан асосланади. Қатор тараққий этган мамлакатларда, масалан, Бельгияда никоҳ ажралишлари 70%, Испания, Португалия ва Венгрияда 60 %дан ортиқ, Россия ва АҚШда 50 % ортиқ¹, Исландияда 64 %, Швецияда 54 %, Буюк Британияда 38% болалар нотўлиқ оилаларда туғилган², Европа мамлакатларида аёлларга нисбатан суиқасд қилинган ҳолатларнинг 35% оилада бўлган, 17% қариндошлари томонидан ўлдириш³ ҳолатлари кузатилган.

Жаҳонда оилавий бахтсизлик ва зўравонлик, оила курмаган эркакларнинг рухий мувозанати ва саломатлиги, эркак ва аёлнинг оиладаги мавқеи, аёлларда маскулинизация ва эркакларда феминизациянинг кучайиши, аёлларнинг турли ижтимоий ролларини ўсганлик шароитида оиладаги ўрни, эр-хотин мавқеидаги номутаносиблик, репродуктив мотивациядаги ўзгаришлар, такрорий никоҳлар, оила институтини мустаҳкамлашда замонавий этнопсихологиядан самарали фойдаланиш шароитида ўқувчиларда оилавий кадриятларни шакллантириш тажрибаси йўналишларда тадқиқотлар амалга оширилмоқда. Ушбу тадқиқотларга мос равишда ёшларнинг оила қуришга ва оила-никоҳ муносабатлари тўғрисидаги тасаввурлари ҳамда оилага тайёрлигининг этнопсихологик хусусиятларини тадқиқ этиш ижтимоий-психологиянинг долзарб муаммоларидан биридир.

Ўзбекистон Республикасида оилавий муаммоларнинг ечимини илмий асосда топиш мақсадида Республика “Оила” илмий-амалий тадқиқот маркази, унинг Қорақалпоғистон Республикаси, Тошкент шаҳри ва вилоят марказларидаги “Оила” илмий-амалий тадқиқот маркази бошқармалари ҳамда ҳудудий бўлинмаларининг ташкил этилганлиги, хотин-қизларнинг қўллаб-қувватлаш ва оила институтини мустаҳкамлаш соҳасида қабул қилинган меъёрий ҳужжат⁴ соҳа мутахассислари олдида масъулиятли вазифалар юклади. Бу эса уларнинг хотин-қизлар билан ишлаш, оилаларда маънавий-ахлоқий кадриятларни мустаҳкамлаш, оғир ижтимоий вазиятга тушиб қолган хотин-қизларни психологик қўллаб-қувватлаш, уларнинг фарзанд тарбияси ва оилада ижтимоий-маънавий муҳитни шакллантириш, мактабгача таълим муассасалари тарбияланувчилари ва умумтаълим мактаблари ўқувчилари учун ўқув курсларини ташкил этишга йўналтиради.

¹ <https://ru.ihodl.com/infographics/2017-02-14/grafik-dnya-statistika-razvodov-po-vsemu-miru>

² http://statistika.ru/naselen/2007/11/24/naselen_9363.html

³ Глобальное исследование по проблеме убийств, 2011 год. Динамика, обстоятельства, данные /Управление организации объединенных наций по наркотикам и преступности/. – Вена, 2011. – С. 12.

⁴ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 2 февралдаги “Хотин-қизларни қўллаб-қувватлаш ва оила институтини мустаҳкамлаш соҳасидаги фаолиятни тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” ПФ-5325-сон Фармони.

Мазкур диссертация Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 2 февралдаги «Хотин-қизларни қўллаб-қувватлаш ва оила институтини мустаҳкамлаш соҳасидаги фаолиятни тубдан такомиллаштириш чоратадбирлари тўғрисида»ги ПФ-5325-сон Фармони, 2018 йил 27 июндаги «Ўзбекистон Республикасида оила институтини мустаҳкамлаш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида»ги ПҚ-3808-сон қарори, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 26 мартдаги «Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги «Оила» илмий-амалий-тадқиқот маркази фаолиятини ташкил этиш чора тадбирлари тўғрисида»ги 229-сон, «Оила» институтини мустаҳкамлаш соҳасида кадрларни қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш бўйича махсус ўқув курсларини ташкил этиш тўғрисида 2018 йил 26 мартдаги 230-сон қарорлари ва мавзуга оид бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг Республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот Республика фан ва технологиялар ривожланишининг I. «Демократик ва ҳуқуқий жамиятни маънавий-ахлоқий ва маданий ривожлантириш, инновацион иқтисодиётни шакллантириш» устувор йўналиши доирасида бажарилган.

Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий тадқиқотлар шарҳи⁵.

Марказий Осиё халқларининг этнопсихологияси, шу жумладан Ўзбекистон халқининг оила муаммолари, унинг ижтимоий-психологик масалалари юзасидан тадқиқотлар тараққий этган мамлакатларнинг Вайоминг ва Иллинойс университетлари (АҚШ), Марказий Осиёни тадқиқ қилиш Франция институти, Парижда Сорбонна-1 ҳамда Страсбургдаги Сорбонна-4 университетларида (Франция), Чубу университети (Япония), Рур университети (Германия), Буюк Британиянинг бир қатор университетларида олиб борилган. Фақат Парижда Сорбонна-1 ҳамда Страсбургдаги Сорбонна-4 университетларида (Франция) Орол денгизидаги экологик ўзгаришларни маҳаллий аҳолини саломатлигига таъсири муаммоси ўрганилган.

Яқин хориж давлатларидан Тарту университети (Эстония), Москва психология институти, Социологик тадқиқотлар институти (Россия) ва психология илмий тадқиқот институтлари (Украина) томонидан қорақалпоқ халқига Орол денгизи муаммосининг таъсири ўрганилган. Ушбу тадқиқотларда Орол денгизи атрофидаги халқларнинг, шу жумладан қорақалпоқ халқининг ижтимоий-иқтисодий, психосоматик томонлари

⁵ <http://lettres.sorbonne-universite.fr>, <http://www.univ-paris3.fr>, <http://www.u-paris2.fr/fr> Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий-тадқиқотлар шарҳи <https://www.ephe.fr>; <https://ifeac.hypotheses.org>; <https://www.aku.edu>; <https://www3.chubu.ac.jp>; <http://www.uwo.edu>; <https://cyberleninka.ru>; <http://tradition.iea.ras.ru> ва бошқа манбалар асосида амалга оширилди. P. Kunath. Changes in performance motivations related to social conditions. «Intern. J. of sport Psychology». Rome, № 1, 1974.; Ogilvie B, Tutko T, Lyon L. The Motivational Inventory. In «Sholastic Coach», San Xose, 1976.; K.Kohl. Uber Bedeutungsgehaile des Sportspiels.-In: «Sportpsychologie», Hofmann-Verlag, Schorndorf, 1972.; Vanek M, Hosek W, Svoboda B. Studie osobnosti ve sporty. Universita Karlova, Praha, 1974.; Biro H. Extroverzia a zmena vykorny v persepcnomotorickei uloke u sporto vsov. – «Teorie a praxe telesne vychovy», № 3, 1976

устувор йўналиши сифатида тадқиқ этилган. Ушбу тадқиқотларнинг барчасида Орол муаммосини қорақалпоқ ва бошқа ерли халқларига ижтимоий, иқтисодий, психосоматик жиҳатлардан катта салбий таъсир этаётганлиги аниқланган. Аммо мазкур изланишларда қорақалпоқ оиласининг ижтимоий психологик муаммолари махсус тадқиқот предмети сифатида ўрганилмаган.

Қорақалпоқ оиласи фақат XIX аср охири ва XX аср бошларида Россия географлари, ҳарбийлари, этнографлари томонидан этнографик жиҳатдан ўрганилган ва уларнинг дастлабки юзаки, шу билан бирга илк бор қузатувлари ёзиб қолдирилган ва маълум жиҳатдан тарихий қийматга эга.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Оила муаммоси қадим даврдан олимлар эътиборини тортган. Бизнинг буюк ватандошларимиз Ибн Сино, Ал Хоразмий, Ат Термизий, Имом Бухорий, Нақшбандий, Ал Фарғоний, Мирзо Улуғбек, Ал Фаробий, Алишер Навоий, Заҳириддин Муҳаммад Бобур, Амир Темур, Замахшарий ва бошқа алломалар асарларида ҳам оила муносабатларининг психологик томонлари ўрганилган ва замонавий оила учун ҳам долзарб бўлган айрим психологик тавсиялар берилган.

Оила тадқиқот объекти сифатида тарихчилар, антропологлар, файласуфлар, демографлар, археологлар, тиббиёт соҳасидаги олимлар, социологлар, иқтисодчилар, этнографлар, генетиклар, педагоглар ва психологлар томонидан ўрганилди.

XX асрда, айниқса иккинчи ярмидан бошлаб оила объект ва тадқиқот мавзуси сифатида А.Н.Волкова, Е.В.Антонюк, Ю.Е.Алёшина, Б.Н.Миронов, Н.Нарицын, Э.Н.Васильева, С.И.Голод, Г.Муе, М.Саччу, В.А.Сысенко, В.Сатыр, В.А.Сжекно, Ч.С.Гризинкас, Э.Фром, Р.Хилл, В.В.Стомин, А.Кроник, Е.Кроник, С.Кратихвил, Р.Неллберт, М.Эриксон, Дороти, Р.Бенвер, Д.Басс, Н.Смелзар, Р.Зидер, М.Джемейс, О.Бонвар, Л.В.Кожкина, Л.Я.Гозман, К.Г.Юнга, А.Б.Добрович ва бошқа олимларнинг илмий ишларида акс эттирилган.

Ўрта Осиёнинг, айниқса Ўзбекистоннинг, шу жумладан Қорақалпоғистоннинг маҳаллий халқининг оила ва этнопсихологик ўзига ҳос хусусиятлари тўғрисида Абдулла Қодирий, Муқимий, Ойбек, Махтумқули, Хамид Олимжон, Жамбул, Чингиз Айтматов, Увайсий, Зулфия, Бердах, К.Аимбетов, К.Ерманов ва бошқаларнинг адабий асарларида яхши акс эттирилган.

Абдулла Авлоний, Фитрат ва бошқаларнинг асарлари оила масалаларига бағишланган. Қуръонда оила муҳим ўринни эгаллайди, унда оилавий ҳаётнинг деярли барча масалалари батафсил қайд этилган.

Оила педагогикаси бўйича катта ишлар қилинган (А.Миноваров, О.Тураева, О.Хасанбаева, О.Мусурманова ва бошқалар).

Ўзбек оиласининг ижтимоий ва этнопсихологик томонлари Ю.А.Якубов, Ғ.Б.Шоумаров, Н.А.Соғинов, В.М.Каримова, Э.Ш.Усманов, Б.М.Умаров, Х.Каримов, У.Қодиров, Ф.Акрамова, Д.Д.Кадырова, Г.Ниёзметова, Р.Н.Хикматуллаева, Ж.К.Аксакалова, Н.Б.Матмуратова,

О.Абдусаттарова, Х.Хайдарова, Р.Абдуллаева, М.Файзиева, З.А.Расулова, Х.А.Кадырова, Л.Лутфуллаева, М.Вахидова, Н.Салаева, Г.Ж.Ганиева, Г.С.Тошев, М.Маматов, Э.Ғ.Ғозиев, К.З.Сайдалиева, француз муаллифи Х.Фатхи ҳамда К.Перутз ва К.Ф.Коттек каби олимлар илмий тадқиқотларининг мавзуси бўлган.

Қорақалпоқ оиласи тўғрисида сўнгги йилларда олиб борилган илмий таҳлил ишлари шуни кўрсатадики, бу масала тарихчилар, ҳуқуқшунослар, файласуфлар, демографлар, педагоглар томонидан ўрганилган. С.Камалов, Р.Косбергенов, У.Шалекенов, Ж.Базарбаев, Х.Есбергенов, А.Бекмуратова, Т.Атамуратовларнинг диссертация тадқиқотларида диний маросимлар ва оилавий-маиший яшаш тарзи тўғрисидаги тарихий-этнографик маълумотлар баён этилган.

А.Т.Бекмуратова тадқиқотларида қорақалпоқ хотин-қизлари, қозоқ хотин-қизлари каби ўзбек ва тожик хотин-қизларига нисбатан анча эркинликка эга эканлиги эмпирик жиҳатдан асосланган.

Қорақалпоқ оиласининг ижтимоий-психологик хусусиятлари масаласи юзасидан М.А.Утепбергеновнинг (1999 йил) номзодлик диссертация тадқиқотларидан ташқари изланишлар олиб борилмаган.

Диссертация тадқиқотлари билан диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари боғлиқлиги. Диссертация Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университетининг ИТД-4 «Ёш авлодни муносиб равишда тарихий, миллий ва умуминсоний қадриятлар асосида, таълим ва тарбия соҳасининг ривожланиши, юқори малакали ва узлуксиз таълим соҳасидаги бошқарув кадрларни тайёрлашнинг такомиллаштирилиши» (2012-2014) ва 1624-ЕРР-1-2015 «Ўзбекистонда олий таълим соҳасида таълимни ва жараёнларни интернационаллаштириш ва модернизациялаш» (2015-2017) тадқиқот мавзулари доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади қорақалпоқ ёшларининг оила-никоҳ муносабатлари тўғрисидаги тасаввурларини, оилавий ҳаётга тайёрлаш ҳолатини аниқлаш асосида оила қуришга тайёрлик мезонларини ишлаб чиқиш ва оила-никоҳ барқарорлигини таъминлаш имкониятларини оширишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

мактаб, академик лицейлар, касб-ҳунар коллежлари ўқувчиларини ва олий ўқув муассасалари талабаларини бўлажак оилавий ҳаётга тайёрлашдаги муаммоларини аниқлаш;

оилаларда ва меҳрибонлик уйларида тарбияланувчи юқори синф ўқувчиларини никоҳга тайёрлашнинг ижтимоий-психологик хусусиятларини аниқлаш;

Қорақалпоғистонда имконияти чекланган болаларни оилавий ҳаётга тайёрлашнинг ижтимоий-психологик муаммоларини аниқлаш;

ёшларни никоҳга тайёрлик мезонларини илмий асослаш ва оилавий ҳаётга тайёрлаш муаммоларини ечиш йўллари ишлаб чиқиш;

никоҳ қуриш ёши ва мотивларини ижтимоий ҳамда этнопсихологик хусусиятларини аниқлаш;

«қиз олиб қочиш» миллий анъанани илмий асослаш ва унинг ижтимоий-психологик тавсифини ишлаб чиқиш;

қорақалпоқ оиласида эр-хотинлар орасидаги низо ва ажралишларнинг ижтимоий ва этнопсихологик хусусиятларини аниқлаш;

суициднинг ижтимоий-психологик сабабларини аниқлаш ва олдини олиш йулларини ишлаб чиқиш;

оила таснифи ва унинг психологик тавсифини ишлаб чиқиш;

қорақалпоқ оиласида эр-хотинларнинг никоҳдан қониқишнинг динамикаси ва ижтимоий-этнопсихологик хусусиятларини аниқлаш;

қорақалпоқ оиласида бир-бирини тушуниш, бир-бирига эмоционал яқинлиги ва ўзаро ҳурматининг этнопсихологик хусусиятларини аниқлаш;

никоҳнинг барқарорлик омилларини ишлаб чиқиш ва «мурундык ата» ва «мурундык апа» анъанасини илмий асослаш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида Нукус шаҳрининг 12-сон умумтаълим ўрта мактабнинг 9 синф ўқувчилари (58 нафар), Нукус давлат педагогика институти қошидаги академик лицей ўқувчилари (95 нафар), педагогика касб-ҳунар коллежи ўқувчилари (75 нафар), Хўжайли шаҳри меҳрибонлик уйи тарбияланувчилари (32 нафар), меҳрибонлик уйи ўқитувчи ва тарбиячилари (18 нафар), кўзи ожизлар учун махсус мактаб-интернат ўқувчилари (19 нафар) ҳамда ўқитувчи ва тарбиячилари (15 нафар), заиф эшитувчилар учун махсус мактаб-интернат ўқувчилари (30 нафар) ҳамда ўқитувчи ва тарбиячилари (16 нафар), Нукус давлат педагогика институтининг талабалари (110 нафар), Республика халқ таълим педагогик ходимларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш институтининг тингловчилари (128 нафар), ФХДЁга ариза берган ёшлар (42 эр-хотин жуфтликлари), суд томонидан ажрашганлар (26 жуфт), маҳалла оқсоқоллари (18 нафар), халқ судьялари (12 нафар), Нукус шаҳри (40 нафар эр-хотин жуфтликлари) ва қишлоқ жойларидан (40 нафар эр-хотин) жами 774 нафар респондент жалб этилган.

Тадқиқотнинг предметини қорақалпоқ оиласининг ижтимоий-психологик муаммолари ва уларни ечиш йўллари ташкил қилади.

Тадқиқотнинг усуллари. Диссертацияда кузатиш, суҳбат, анкеталар, сўровномалар, тестлар, эксперт баҳолаш методи, статистика методлари, қорақалпоқ оиласидаги оилавий ҳаёт ҳақидаги тасаввур ва тушунчаларни ўрганишга мўлжалланган муаллифлик ижтимоий-психологик сўровнома (ИПС), кўзи ожиз, заиф эшитувчилар контингентларни ўрганишда сурдопедагог ва тифлопедагоглар ёрдамидан, «ТЭО» (тушуниш, эмоционал ўзига тортиш, обрўлилик) методикаси ва «Никоҳдан қониқиш тести» (Ю.Е.Алешина, Л.Я.Гозман) ҳамда никоҳдан қониқиш динамикасини (1998-2013 йиллар бўйича) ўрганишда кўндаланг кесма методидан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги куйидагилардан иборат:

кўр, заиф кўрувчи, қар, заиф эшитувчи имконияти чекланганлар учун турмуш ўртоқ топишнинг мураккаблиги, оила моделининг йўқлиги ва

меҳрибонлик уйи тарбияланувчилари учун ота-она депривацияси, рисоладаги оила ва эр-хотин ҳақидаги тасаввурнинг йўқлиги уларнинг оилавий ҳаётга тайёрлашда тўсиқ бўлаётган асосий ижтимоий-психологик омиллар эканлиги ва имконияти чекланган болаларнинг ижтимоий-психологик ҳамда оилавий мослашиш масалалари долзарблиги янада ошиши аниқланган;

қорақалпоқ ёшларининг оилавий ҳаётга тайёрлашнинг маиший-хўжалик юритиш, маълумот ва касбга эгаллик, оиланинг моддий таъминлаш имкониятлари, эр-хотиннинг шахс сифатида бир-бирига мувофиқлиги, ота-оналар тарбиячилик функцияларини бажариш қобилияти, ўзаро ахлоқий ва ҳиссий жиҳатдан бир-бирини қўллаб-қувватлаш шаклланганлиги каби асосий мезонлари ишлаб чиқилган;

қорақалпоқ ёшлари орасида оила қуришда мустақиллик, муҳаббатнинг устуворлиги, интим муносабатларнинг расмийлаштириш етакчи мотивлар сифатида, «мурундык ата» ва «мурундык апа» ҳамда «қиз олиб қочиш» анъанасининг сақланиши никоҳ қуришни мустақамловчи этник омил эканлиги аниқланган;

«мурундык ата» «мурундык апа» миллий анъананинг психогенетик илдизлари ҳамда аҳамияти илмий асослаб берилган ва бу юзасидан муаллифлик гувоҳномаси олинган;

махсус мактаб, академик лицей, касб-хунар коллежи ўқувчилари ва олий таълим муассасаси талабаларининг оилавий ҳаётга тайёрлиги ҳақидаги тасаввур, «Оилавий ҳаёт психологияси» фанининг ўқув дастури, ўқув қўлланмаларининг мазмунини таҳлил қилиш асосида қорақалпоқ оиласининг этнопсихологик, ижтимоий, иқтисодий ва психологик хусусиятлари етарли ифода этилмаганлиги аниқланган;

қорақалпоқ оиласида оила қуриш ёши, эр-хотин орасидаги оптимал ёш тафовути, ҳаётий қадриятларнинг умумийлиги, оилада фарзандлар мавжудлиги, шахсдаги индивидуал-психологик хусусиятлари жиҳатидан бир-бирига мослиги ва бошқа омилларни ўзига хос хусусиятлари аниқланган ва илмий асослаб берилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари кўйидагилардан иборат:

Қорақалпоғистон Республикаси тарихий музейи ва ўлкашунослик музейи учун ахборот каталоги тайёрланган ва фойдаланиш учун тақдим қилинган;

қорақалпоқ этносини инобатга олган ҳолда «Ёш келин-куёвлар инновацион мактаби» фаолиятини ташкил этиш бўйича тавсиялар ишлаб чиқилган ва амалиётга жорий этилган;

ўқувчи ёшларни, шу жумладан имконияти чекланган болаларни ҳам, оилавий ҳаётга тайёрлашни такомиллаштириш бўйича тавсиялар ишлаб чиқилган ва амалиётга жорий этилган;

ота-оналик депривацияли болалар билан ишлашда меҳрибонлик уйи тарбиячилари учун психологик тавсиялар ишлаб чиқилган;

суициднинг олдини олиш учун психологик тавсиялар ишлаб чиқилган; никоҳга тайёрликнинг мезонлари ишлаб чиқилган;

«қиз олиб қочиш», «мурундык ата» ва «мурундык апа» миллий илмий ижтимоий-психологик жиҳатдан илмий асосланган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги ишда қўлланилган ёндашув ва усулларнинг адекват ва мукамаллиги, репрезентативлиги, ишончли ва самарадор замонавий математик-статистика усулларидан фойдаланилганлиги ҳамда эмпирик натижаларнинг мақсадга мувофиқ таҳлил ва талқин этилгани билан асосланади. Натижалар «MS Excel», «SPSS 15» дастурлари воситасида қайта ишланган.

Тадқиқотнинг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти ишда олинган илмий натижалардан этнопсихология, ижтимоий психология, дин психологияси, психоллингвистика, оила психологияси ва бошқа оила-никоҳ масалаларини ўрганувчи фан соҳаларига оид мавжуд назарий билимларни янада бойитишда, уларнинг дастурларини ишлаб чиқиш ва такомиллаштиришда фойдаланиш мумкинлигидадир. Ёшларнинг оилага тайёрлигининг чуқур ўрганиш қорақалпоқ оилалари ҳақидаги этнопсихологик қарашларни бойитиш имконини беради. Тадқиқот натижалари, умумий хулоса ва тавсиялардан жамоат ва давлат ташкилотлари, хусусан, ФХДЁ ва оила институтини мустаҳкамлашда фойдаланиш мумкин.

Амалий аҳамияти шундаки, республика олий ўқув юртларида, академик лицей, касб-ҳунар коллежлари, айниқса, умумтаълим ўрта мактабларида ёшларни оилавий турмушга тайёрлашда, никоҳ-оила муносабатлари заминидан юзага келиши мумкин бўлган муаммоларни бартараф этишда, малака ошириш курсларида, амалиётчи психологлар фаолиятида, оилага психологик хизмат кўрсатишда, оилашунос мутахассисларни тайёрлаш курслари учун дарсликлар, илмий-услубий ва ўқув қўлланмалари яратишда назарий манба сифатида, оилага оид ҳуқуқий-меъёрий ҳужжатларни такомиллаштиришда ва маънавият дарсларида кенг фойдаланиш мумкин.

Тадқиқот натижаларини жорий қилиш. Тадқиқот натижалари оилавий ҳаёт психологияси бўйича ўқув дастурларини такомиллаштиришда, шунингдек мактаб психологлари томонидан ўқувчиларда суицидал хулқ-атворнинг олдини олиш мақсадида фойдаланилди, хусусан:

махсус мактаб, академик лицей, касб-ҳунар коллежи, олий таълим муассасаси ўқувчи ва талабаларни оилавий ҳаётга тайёрлиги ҳақидаги тасавури, “Оилавий ҳаёт психологияси” фанининг ўқув дастури, ўқув қўлланмаларининг мазмуни таҳлили, педагогларнинг ушбу фан бўйича дарс беришга тайёрлик савияси аниқланган илмий янгилик Ўзбекистон ёшлар иттифоқи Қорақалпоғистон Республикаси Кенгаши фаолиятида жорий қилинган (Ўзбекистон ёшлар иттифоқи Қорақалпоғистон Республикаси Кенгашининг 2017 йил 7 декабрдаги 02-07/453-сон маълумотномаси). Натижада Кенгаш аъзоларининг ёшларни оилавий ҳаётга тайёрлаш бўйича олиб бораётган тадбирлари мазмуни илмий жиҳатдан кучайтирилди;

имконияти чекланган (кўзи ожиз, заиф эшитувчи) ва ота-онаси депривацияли (меҳрибонлик уйи тарбияланувчилари) болаларни оилавий ҳаётга тайёрлашнинг ижтимоий-психологик хусусиятлари (турмуш ўртоғини топиш мураккаблиги, ота-она, оила моделини йўқлиги ва бошқалар) ва

муаммолари аниқланганлиги ҳақидаги илмий янгилик Ўзбекистон “Маҳалла” хайрия жамоат фонди Қорақалпоғистон Республикаси бўлинмаси фаолиятида жорий қилинган (Ўзбекистон “Маҳалла” хайрия жамоат фонди Қорақалпоғистон Республикаси бўлинмаси 2017 йил 10 октябрдаги 01-04/110-сон маълумотномаси). Натижада бошқарув фаолиятининг маҳаллаларда оилалар билан ишлаш тадбирлари кучайтирилди;

никоҳ қуришда ёш ва мотивларнинг (сабаб) ижтимоий-психологик (қорақалпоқ ёшларининг оила қуришдаги мустақиллиги (ўзбек, тожик оилаларидан фарқли равишда), оила қуриш мотивлари ичида муҳаббат устун туриши, интим муносабатларини расмийлаштириш) ва этнопсихологик хусусиятлари («мурундык ата» ва «мурундык апа» ҳамда «қиз олиб қочиш» анъаналарининг сақланиши) аниқланганлиги тўғрисидаги илмий янгилик Қорақалпоғистон Республикаси Фуқаролик ишлари бўйича суди фаолиятида жорий қилинган (Қорақалпоғистон Республикаси Фуқаролик ишлари бўйича судининг 2017 йил 7 декабрдаги 1шк-220-17-сон маълумотномаси). Натижада Фуқаролик судининг фаолиятини ташкил этишда психологик усулларни қўллаш имконияти таъминланди;

«қиз олиб қочиш» ҳалқ удумининг илмий асосланиши (қиз олиб қочиш миллий одатининг ижтимоий-психологик, иқтисодий омиллари) ишлаб чиқилган ва унинг ижтимоий ва этнопсихологик тавсифи тақдим этилганлиги тўғрисидаги илмий янгилик Қорақалпоғистон Республикаси хотин-қизлар кўмитаси фаолиятида жорий қилинган (Қорақалпоғистон Республикаси хотин-қизлар кўмитасининг 2017 йил 10 октябрдаги 12-10/102-сон маълумотномаси). Натижада хотин-қизлар кўмитасининг ёшларнинг оилавий ҳаётга тайёрлаш бўйича фаолиятини ташкил этишда психологик усулларни қўллаш имконияти таъминланди.

Тадқиқот натижаларини апробация қилиш. Диссертацион тадқиқот натижалари 2 ҳалқаро ва 12 республика илмий-амалий конференцияларда муҳокама қилинган.

Тадқиқот натижаларини нашр этиш. Тадқиқот ишининг асосий натижалари бўйича 1та монография, 27та илмий мақолалар (улардан 13 таси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссияси тавсия этган журналларда, шу жумладан 4 таси хорижий журналларда, 9 таси республика нашрларида). Докторлик диссертация натижалари бўйича битта муаллифлик гувоҳнома олинган.

Диссертациянинг структураси ва ҳажми. Диссертация кириш, беш боб, хулоса ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Диссертация ҳажми 265 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Киришда ўтказилган тадқиқотнинг долзарблилиги ва ижтимоий-психологик талабгорлилиги, тадқиқотнинг мақсади ва масалалари, объект ва предмети ифодаланган, Республиканинг илм ва технология ривожланишида устувор йуналишларининг диссертация тадқиқотларига мувофиқлиги

кўрсатилган, олинган натижаларнинг илмий янгилиги ва амалий аҳамияти, шунингдек нашр этилган ишлар ва диссертация структураси бўйича маълумотлар такдим этилган.

Диссертациянинг «**Ижтимоий психология ва этнопсихологияда оила муаммоларини ўрганиш ҳолати**» туғрисидаги **биринчи бобда**, хорижий муаллифларнинг, шу жумладан МДХ олимларининг тадқиқотларида оиланинг ижтимоий-психологик ва этнопсихологик масалаларига, шунингдек ўзбек, тожик, қирғиз, қозоқ ва қорақалпоқ оилаларини ўрганишга бағишланган тадқиқотларни танқидий таҳлили баён этилган.

Социологларнинг маълумотларига кўра никоҳ ва оила соҳасида 70 дан кўпроқ йўналиш бўйича тадқиқотлар олиб борилади. Оилавий ҳаётнинг деярли барча томонлари доимий илмий назорат остига олинган.

Қадимдан оила олимлар диққат марказида бўлганлиги ҳаммага маълум, шу боисдан динда ва илоҳий ёзмаларда (Библия, Қуръон ва бошқалар) у муносиб ўринни эгаллайди.

Оила ўзининг «онтогенезида» ҳаётнинг белгили босқичлари, циклларидан ўтиши ҳаммага маълум.

Психолог Дэвид Басснинг маълумотлари алоҳида эътиборга сазовор. Олим томонидан олтита континент ва бешта оролларда жойлашган 37 мамлакатларнинг 10 мингдан ортиқ эркак ва аёллардан оила қуриш учун эр (хотин) танлаш мезонлари бўйича қандай сифатлар билан баҳоланиши туғрисида аноним сўровнома ўтказиш натижасида биринчи ўринларни ўзаро севги (боғлиқлик), ишончилилик, эмоционал барқарорлик, етуклик ва ёқимли феъл-атвор каби сифатлар эгаллаган.

Д.Басс прессмаданият тадқиқотлари натижалари асосида никоҳлик шерик танлашда одамлар англамаган ҳолда уруғ турининг сақланиб қолишини ва давом этишига бўлган инстинктга ишонишини тахмин қилган.

С.И.Голод моногамиянинг учта туринининг - патриархал, бола марказлаштирилган ва эр-хотинлик - ҳар бирини қисқача психологик тавсифи билан, Болтиқ бўйи, Кавказ орти ва Ўрта Осиё халқларининг этноминтақавий хусусиятлари билан бир-бирига боғлиқ мисолларни фойдаланган ҳолда кўриб чиққан.

Н.Н.Обозовнинг иши оилавий-никоҳ масалалари ва эр-хотинлар ва қариндошлар орасидаги қариндошлик можароларга бағишланган. Ўзаро муносабатнинг шахснинг бахтига ва қаноатланишига таъсири Ш.Аргайннинг тадқиқотларининг мавзуи бўлди. Психологик яқинликни ўлчаш масалалари ва уларнинг йиллар бўйича динамикаси А.Кроник ва Е.Кроник тадқиқотларида кўриб чиқилган. Никоҳолди феъл-атворнинг ёш оила барқарорлигига таъсирининг масалаларини Т.А.Гурко ўзининг тадқиқотларида очиқ берди. Можароли оилада эр-хотинларнинг феъл-атвори мулоқот психологияси билан ўзаро боғлиқлиги О.Кутсар тадқиқотида ўз ифодаси топган.

Ўтмишнинг жаҳонга таниқли мутафаккирлари Абу Райхон Беруний, Абу Али Ибн Сино, Алишер Навоий, Умар Хайём, Абу Косим Фирдавсий, Абу Абдулла Рудакий, Носир Хисрав, Аль-Хоразмий, Ал-Фароби, Кайковус, Захириддин Мухаммад Бобур, Бердах, Ажиниёз ва XI – XV асрларда яшаган

кўпгина бошқа алломалар оилавий ҳаётнинг масалалари бўйича бебаҳо мерос қолдиришган.

Улар узининг ҳаёт тажрибасидан, ўз кузатувларидан, олдин ўтганларнинг ва замондошларининг педагогик фикрларини таҳлил қилиб, оила ва никоҳга, никоҳ-оилавий муносабатларга нисбатан ўз қарашларини баён этган қатор асарларини ёзиб қолдирган.

Ўзбек оиласининг психологик хусусиятлари махсус ўрганилган (Ю.А.Якубов 1983, Г.Б.Шоумаров, Е.А.Морщанина 1986, В.М.Каримова 1987, М.Г.Давлетшин, Г.Б.Шоумаров, Н.А.Согинов 1990), В.М.Каримова ишида (1987) ўзбек аёлларнинг ижтимоий фаоллиги туғрисидаги тасавури ва ижтимоий тартибнинг ўзгариш жараёни ижтимоий-психологиясида илк бор ўрганилган.

Г.Б.Шоумаровнинг иши (1986) эътиборга сазовор, бунда ўзбек оиласининг ижтимоий-психологик (типик миллий, этник) хусусиятлари ва уларнинг ўзбек оиласига кўпроқ хос бўлган ёшларни тарбиялаш хусусиятларига таъсири аниқланган.

Собиқ Иттифоқ даврида этнопсихологик тадқиқотлар мақсадли равишда унутилган. Улар ўтказилса ҳам илмий урғу этнопсихологияга эмас балки этнографияга берилган.

Ўзбек оиласининг этнопсихология бўйича илк тадқиқотларнинг бири бўлиб ўзбек оилаларида никоҳдан қониқишни ўрганишга бағишланган Н.А.Согиновнинг иши бўлган.

Оиланинг ижтимоий психологик муаммолари юзасидан Ўзбекистоннинг кўпгина олимлари илмий изланишлар олиб борган. Шулар қаторида Э.Ш.Усманов, Х.Каримов, Б.М.Умаров, Т.Жураева, Р.Самаров, У.Д.Қодиров, Р.Душанов, Т.Норимбетов, Р.Н.Хикматуллаева, Г.Ниёзметова, Р.М.Абдуллаева, М.Х.Файзиева, Л.Х.Лутфуллаева, З.А.Расулова, М.Салаева. Ўзбек оиласи хорижий олимларни ҳам, мисол учун француз муаллифи Х. Фатхини, қизиқтирган. Қорақалпоқ оиласи, унинг тарихи ва этнографик томонлари А.Каульбарс, И.Авдукушин, А.Россинова, Н.А.Басканов, А.С.Морозова, К.Аимбетов, К.Ершанов, М.Дарибаев, Ж.Аймурзаев, С.П.Толстов, Т.А.Жданко, С.Камалов, Р.Косбергенов, У.Шалекенов, Ж.Базарбаев, Х.Есбергенов, А.Бекмуратов, Т.Атамуратов илмий асарларида ўрганилган.

Олимлар томонидан қимматли, шахс учун аҳамиятли бўлган оила институтини мустаҳкамлашга хизмат қиладиган материаллар олинган. Шу билан бирга бир этносда олинган илмий натижалар бошқа этносда ҳамма вақтда ҳам самарали фойдаланилиши мумкин эмас.

Ўзбек оиласига нисбатан қорақалпоқ оиласи жуда кам ўрганилган. У географ, тарихчи, демограф, ҳуқуқшунос, файласуф ва педагогларнинг текширув объекти бўлган.

Қорақалпоқ оиласи махсус психологик тадқиқотлар мавзуи деярли бўлмаган.

«Ёшларни оилавий ҳаётга тайёрлаш муаммолари» тўғрисидаги **иккинчи бобда** академик лицейлар (АЛ), касб-хунар коллежлари (КХК)

уқувчилари ва олий таълим муассасаси талабаларини, шунингдек имконияти чекланган ўқувчиларни (кузи ожиз, кар ва заиф эшитувчи) булажак оилавий ҳаётга тайёрлашнинг ҳозирги кундаги ҳолати ва муаммолари ўз аксини топган.

Бу бобда меҳрибонлик ўйида тарбияланувчиларни, яъни ота-оналари депривацияли ва тўлиқ оилаларда тарбияланувчи умумтаълим ўрта мактаб ўқувчиларини, никоҳга тайёрлашнинг ижтимоий-психологик хусусиятлари бўйича материаллари баён этилган.

Яна шу бобда, биз томонимиздан ишлаб чиқилган, никоҳга тайёрлашнинг мезонлари тақдим этилган.

Тадқиқотнинг натижалари таҳлили никоҳга тайёргарлик масалалари бўйича, «Оилавий ҳаёт психологияси» предмети алоҳида ўрганилганига қарамасдан, АЛ ва КХК нинг учинчи йил ўқиётган ўқувчилари ва Нукус давлат педагогик институтининг талабаларининг оила вазифаси (функцияси) ҳақида билимлари етарли шаклланмаганлигини, мустаҳкам оила куришнинг аҳамиятлилигини билмаслигини кўрсатди.

Бизнинг фикримизча, назарийдаги каби амалда ҳам ўқувчи ёшларнинг никоҳга тайёр эмаслигининг асосланганлиги мазмуни жуда аҳамиятли.

Ота ва она ролини бажариш учун уларнинг шахс сифатида психологик етилишмаганлиги, ота-оналарга иқтисодий қарамлиги, оилавий вазифаларни (функцияларни), айниқса тарбиявий ва иқтисодий бажара олмаслиги улар томонидан белгиланган етакчи аргументлар сифатида этиб ўтилди.

Кўпчилик респондентлар саккизта оилавий функциялардан иккита функцияни - иқтисодий ва тарбиявий деб кўрсатган фактлари эътиборга лойиқ.

Ёшларни оилавий ҳаётга тайёрлаш бўйича аниқланган муаммолар таҳлили уларни ечиш йўлларини аниқлашга йўл қуяди. У кўйидагилардан иборат.

Ўқув дастурларнинг, дарсликлар ва ўқув қўлланмаларнинг қорақалпоқча вариантини қайта ишлаш, сўнгги йиллар тадқиқотлари натижалари асосида бугунги кун талабаларини ҳисобга олиб тўлдириш лозим.

«Оилавий ҳаёт психологияси» предметни ўрганишда этнопсихологик материалларга, ҳалқ анъана ва удумларининг илмий таҳлилига бугунги кун нуқтаи назардан ҳолисона (объектив) баҳо беришга кўпроқ эътибор қаратиш керак.

Замонавий оиладаги содир бўлаётган ўзгаришларни негатив томондан қабул қилишга ва оиланинг кризис сабабидан деб ҳисоблаш мумкин эмас.

Улар асосида ижтимоий-иқтисодий ўзгаришларни кўриш зарур. Керак бўлган жойида ҳар бир негативда позитив элементларни оқилона кўриб ва уларни оилани мустаҳкамлашда, кўнгилдагидек бўлмаган оилаларда психологик иқлимни соғломлаштиришда самарали қўлланиши керак.

Оилавий ҳаёт психологияси фанида аввал кинофильмдан парчаларни кўрсатиш мақсадга мувофиқ. Ундан кейин фильм қаҳрамонларнинг юриш-

туришларни, мулоқотини, қарор қабул қилиши ва иш ҳаракатларинининг психологик таҳлили кўриб чиқилади.

Мулоқот маданиятини, мулозамат маданиятини ошириш бўйича психологик тренингларга кўпроқ эътибор қаратиш мақсадга мувофиқ.

Оилани мустаҳкамлаш мақсадида «Оилавий ҳаётнинг психологияси» ўқув курси жараёнидаги каби ҳаётда ҳам курортларда, санаторийларда, дам олиш уйларида, шунингдек, мамлакатимизда каби хорижда ҳам ҳар хил туристик йўналишларга оилавий дам олиш турларини самарали қўлланиши керак.

Туристлик фирмаларга кўпроқ дам олишнинг оилавий турларига имтиёзлар туғдириб бериш мақсадга мувофиқ.

Нукус шаҳри умумтаълим мактаби ўқувчилари ва Хужайли шаҳри меҳрибонлик ўйи тарбияланувчилари томонидан тузилган яхши ва ёмон оилалар тавсифларининг солиштириш таҳлили қуйидаги ижтимоий-психологик хусусиятларини аниқлашга имкон яратди:

1. Яхши оилага тулароқ тавсифномани оилавий депривацияланмаган гуруҳ (мактаб) ўқувчилари томонидан белгиланган бўлса, меҳрибонлик ўйи тарбияланувчилари томонидан эса тавсифномада ёмон оилага айтарлича кўпроқ сифат белгиланди.

2. Меҳрибонлик ўйи тарбияланувчилари томонидан яхши оилага берилган тавсифномасида бола диққат марказида бўлган. Бешта сифатнинг тўрттасида ота-оналарнинг болаларга бўлган муносабати мавжуд.

3. Икки гуруҳнинг ҳам респондентлари этиб ўтган ёмон оилага берилган шафқатсизлик, тажовузкорлик, ичкиликбозлик, можаролар каби сифатлари, оддий оилаларда ҳам халигача зўрлаш, шафқатсизлик, тажовузкорлик, бола шахсига жисмоний таъсир кўрсатишни суиистеъмол қилиш фактлари халигача мавжудлигини тахмин қилиш жоиз. Яъни оддий мактабларда ҳам муаммоли оилалардан чиққан болалар етарли даражада. Бу педагог ва тарбиячилар билан суҳбатда қисман тасдиқланди.

4. Кам учраганлигига қарамасдан, ёмон оилаларга берилган тавсифномасидан жой олган бўлганлиги ҳам вояга етмаганларнинг номусига тегиш муаммоси алоҳида эътибор ва тадқиқот ўтказишга лойиқ.

Юқорида баён этилган фактларнинг олдини олиш мақсадида ёшларни жинсий тарбиялашдаги анъанавий қарашларни қайта кўриб чиқишни замон талаб этади.

Имкониятлари чекланган болаларни оилавий ҳаётга тайёрлаш муаммоси ижтимоий каби, махсус психологияда ҳам энг кам ўрганилган муаммоларнинг бири бўлиб ҳисобланади.

Ўшбу муаммо Ўзбекистонда докторлик тадқиқотларининг предмети сифатида ўрганилмаган. Шу сабабли, биз томондан, ёрдамчи мактаблар, қар ва заиф эшитувчи болалар учун махсус мактаб-интернат ўқувчилар контингенти қўйилган масалалар доирасида ўрганилиб чиқилди. Шунингдек, Нукус ва Хужайли шаҳарларидаги кўзи ожиз ва кўриш қобилияти заифлар учун мактаб-интернатлар тарбияланувчилари ҳам.

Имконияти чекланган ўқувчилар орасида оилавий ҳаётга алоҳида қизиқишни эшитиш қобилияти бузилган шахслар ифодалайди, ақлий заифлар нисбатан бефарқ ва ҳамма вақт ҳам айнан бир хил (адекват) эмас ва заиф кўрувчилар нисбатан кам хабардорлар.

Тадқиқот натижалари таҳлили ёрдамчи мактаб ўқувчиларининг ота-оналарининг маълумот савияси нисбатан пастлигини кўрсатди. Масалан, ота-оналарнинг 69% умумий ўрта маълумотга эга, 5% ота-оналар умумий ўрта маълумотли, 2 % ота-оналар олий маълумотли, 24 % ота-оналар ёрдамчи мактаб битирувчилари бўлиб ҳисобланади. Ота-оналарнинг ярмига яқини (45%) ичкиликбоз ва гиёҳванддир, 5% ота-оналар босқинчилик, уғрилиқ, қотиллик ва номусга тегишлик учун судланганлар. Ота-оналар орасида ота-оналик ҳуқуқидан маҳрум бўлганлар (5%) мавжуд.

Бундай социологик ва ижтимоий-педагогик тавсифномага эга ота-оналар оилаларнинг аксарияти уларга юкланган оилавий вазифаларини бажаришга қодир эмас.

Тарбиявий вазифаларни бажаришда кўпроқ учрайдиган адекват эмас шакллариининг бири бўлиб ота-оналарнинг болалар билан ҳаддан ташқари агрессив мулоқотда бўлиши, оғир тана жароҳати етказишгача бўлган тез-тез жисмоний куч ишлатиши ҳисобланади.

Доимий тарздаги можаролар, болаларни тез-тез калтаклаш, улғайгач болалар ота-оналарига каби ўз фарзандларига, шунингдек никоҳ шериги билан мулоқотда ҳам шундай жавоб қайтаради. Бундай оилаларнинг кўпчилики ота-оналари ўзи англамаган ҳолда болалар шахсининг шаклланишига негатив (салбий) таъсир қилади.

Болалар тарбияси билан умуман шуғулланмайдиган ота-оналар сони ҳам кам эмас.

Вояга етмаганлар орасида ассоциал ходисаларнинг кўпайишига, жиноятлар сонининг ўсишига, тўлиқ ўз ҳолига қолдирилиши, оиладаги носоғлом психологик иқлим, боланинг оила ташқарисидаги фаолиятига назоратнинг бўлмаслиги олиб келади.

Шундай қилиб, саккизта оилавий вазифадан (функциядан) олтитаси (75%) оилаларнинг кўпчилигида бажарилмайди. Ота-оналар оилаларнинг кўпчилигида ёрдамчи мактабда иккита - репродуктив ва хужалик-маиший - вазифаси бажарилиши билан чекланади.

Бу ёрдамчи мактабнинг коррекцион-тарбиявий ишининг самаралилигини кескин равишда пасайтириб, боланинг умуман шахс сифатида ва қисман оилапарварнинг шаклланишига салбий (негатив) таъсир қилади.

Ота-она оиласининг юқорида баён этилган ўзига хос хусусиятларини ҳисобга олиб ўқувчиларни оилавий ҳаётга тайёрлашда мактабнинг аҳамияти ва жавобгарлик роли янада ошади.

Оила йили муносабати билан 2012 йили ёрдамчи мактабнинг 7-8-9 синф ўқувчилари учун янги «Оилавий ҳаётга тайёргарлик» номли ўқув дастури ишлаб чиқилди.

Бу дастурнинг мазмунининг таҳлили қуйидагиларни кўрсатди:

- дастур мазмунининг 7 синфга мўлжалланган 34 соат ҳажмидан оилавий ҳаёт масалаларига атиги 8 соат, яъни 23,5% ажратилган;
- 8 синф дастур материалларида 34 соатдан оила масалалари фақат 2 соати, яъни 6 фоизида ўрин олган;
- 9 синфда (битирувчи синф) оилавий ҳаёт масалалари 18 соатда баён этилган, яъни дастур ҳажмининг 52%.

- «Оилавий ҳаётга тайёргарлик» предмети бўйича оилавий ҳаёт масалалари жами 102 соатдан 28 соатни ёки дастурнинг умумий мазмунининг 28,5 % ташкил этган; материалнинг қолган 71,5 % (74 соати) фақат оилавийга эмас, умуман ҳаётга тайёргарликка йуналтирилган.

Мамнуният билан этиб ўтиш керакки, 2014 йилда Низомий номидаги ТДПУ олимлари ва дефектология факультети методистлари томонидан махсус мактаб ўқувчиларини келажак оилавий ҳаётга тайёрлашнинг янги оригинал методологик қўлланмаси ишлаб чиқилди. Аммо Қорақалпоғистоннинг махсус мактаблари келтирилган методологик қўлланмани самарали фойдаланиш учун оғоҳлантирилмаган ва тайёр бўлмаган. Натижада имконияти чекланган болаларни ўқитиш ва оилавий ҳаётга тайёрлаш муаммолари йиллар давомида сақланиб қолиши мумкин.

«Қорақалпоқ оиласининг никоҳ олди омилларининг ижтимоий ва этнопсихологик хусусиятлари» туғрисидаги **учинчи бобда** никоҳ қуришда ва никоҳолди танишув муддатида ёшнинг ижтимоий ва этнопсихологик хусусиятлари, шунингдек никоҳ қуриш мотивлари бўйича тадқиқот натижалари баён этилган. Ушбу бобда «қиз уғирлаш» миллий анъананинг ижтимоий-психологик тавсифи акс этилган.

Никоҳ қуриш ёши эр-хотин муносабатларининг никоҳ мустаҳкамлиги ва муваффақиятлигига таъсир қилувчи омилларининг бири бўлиб ҳисобланади.

Никоҳ қуриш ёши жинс, минтақа (шаҳар, қишлоқ), этнос, тарихий давр, мамлакатнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланиши ва баъзи бир бошқа омиллар билан аниқланади.

15 йиллик (1998-2013 йиллар) динамикада олинган тадқиқотлар натижалари эркақлар сингари аёлларда ҳам никоҳ қуриш ёшининг ошганлигидан гувоҳлик беради.

Диссертация тадқиқотида олинган натижаларга кўра ўзбекларга нисбатан қорақалпоқ ёшлари никоҳ шеригини танлашда кўпроқ эркинроқ. Бу ҳақида бўлажак эр-хотинларнинг танишув ҳақидаги маълумотлар гувоҳлик беради. Худди шулар Нукус, Беруний ва Чимбой шаҳарларида ўтказилган ижтимоий-тадқиқотлар билан тасдиқланади, унда 85-90% сўров қилинганларда ота-оналар аралашмаган ҳолда келин танланган.

Диссертацияда бажарилаган тадқиқотлар натижаларига кўра қорақалпоқ оилаларида никоҳолди омиллари қуйидаги хусусиятлари билан тавсифланади.

1. Қорақалпоқ ёшларининг ўзбекларга нисбатан етарли даражада эркин, озод, ўзини никоҳ олдидан тутишлари, шу жумладан мулозамат

қилиши, уларни одатий шарқ оиласидан фарқ қилади. Бу, балки, белгили даражада уларнинг аждодларининг тарихий халқ анъаналари ва уларнинг ҳаёт тарзи билан боғлиқ.

2. Шу билан бирга, оилавий тартибнинг ифодали иерархияси ва оила ичидаги муносабатлар, оилада эркакларнинг юқори ўрни (мавқеи) ва оила қуришда, булажак никоҳ шеригини танлашда ота-она истагининг етарли таъсири, шунингдек, бир қатор бошқа ўзига хос хусусиятлар типик шарқ оиласи тўғрисида гувоҳлик беради.

3. Қўшни ўзбек оиласидан фарқли равишда (эндогам никоҳга тақиб йуклиги) қорақалпоқ оиласида қариндошлик никоҳларга тақиб қатъий риоя қилинади (экзогам никоҳ). Ота томондан қариндош, ўз ўруғи вакиллари ҳатто кўпгина авлодлардан кейин ҳам никоҳ қуришмайди, яъни умрбод тақибланган.

Ушбу тарихий ўзаро боғланган, уларнинг қадимий ҳаёт тарзи билан боғлиқ никоҳолди ахлоқининг принциплари, ўзининг авлодини сақлашга ва давом эттиришга таъкиб қилишининг ва уруғи бузилишининг (дегенерация) олдини олишни таъминлайди.

Муайян тартибдаги (ранжир) уч гуруҳ (алоҳида аҳамиятли – 6, ўрта аҳамиятли – 8 ва паст аҳамиятли – 6) никоҳга ўтиш сабаблари, эркаклар учун респондентларни аниқлаши лозим бўлган камайиш даражаси бўйича алоҳида аҳамиятлиги қуйидагилардан тузилган:

1. Бўлажак турмуш ўртоғига бўлган мухаббат.
2. Ўзининг ишқий (юрракдаги) муносабатларини қонунлаштирмоқ истаги.

3. Ота-оналар ишончига жавоб қайтаришга интилиш.

4. Фарзанд кўриш истаги.

5. Оила қуриш истаги.

6. Бўлажак турмуш ўртоғининг моддий таъминланганлиги.

Аёллар учун бўлса улар қуйидаги тартибда қатордан ўрин топди:

1. Фарзанд кўриш истаги.

2. Ота-оналар ва қариндошлар ишончига жавоб қайтаришига интилиш.

3. Бўлажак турмуш ўртоғига бўлган мухаббат.

4. Бўлажак турмуш ўртоғининг моддий таъминланганлиги.

5. Оила қуриш истаги.

6. Ўзининг ишқий (юрракдаги) муносабатларини қонунлаштирмоқ истаги.

Ўзбек ва қорақалпоқ оилаларига оид маълумотларнинг солиштирма таҳлили бажарилган, шунингдек қорақалпоқ оиласининг 15 йиллик динамикаси асосида алоҳида аҳамиятли сабабларнинг психологик интерпретацияси тақдим этилган.

Ўшбу бобда тадқиқот натижалари асосида «қиз олиб қочиш» халқ анъанасининг тарихий ҳаётий кучга эгаллигининг ва оммабоплигининг ижтимоий-психологик асоси баён этилган, унинг асосини ўз вақтида ва муваффақиятли ёш оиланинг яратилишини кўзлаётган ёшларнинг каби ота-

оналарнинг ҳам ижтимоий-иқтисодий ва ижтимоий-психологик омиллари ташкил қилади.

Ушбу бобда европалик синовдаги никоҳнинг қорақалпоқ «синовдаги никоҳ»дан айирмаси ва никоҳолди омиллар муаммоларини ечиш бўйича аниқ тавсиялар баён этилган.

«Қорақалпоқ оилаларида эр-хотинларнинг можаролари ва ажралишларининг ижтимоий ва этнопсихологик ўзига хос хусусиятлари» туғрисидаги **тўртинчи бобда** эр-хотинлар можароларининг, ажралишларнинг этнопсихологик хусусиятлари, суициднинг ижтимоий-психологик сабабларининг психологик ҳолати очиқ берилди.

Ушбу бобда унинг қисқача психологик тавсифи билан илк бор ишлаб чиқилган оиланинг таснифи тақдим этилган.

Никоҳдан қаноатланган оилалар ва никоҳдан қаноатланмаган эр-хотин жуфтликларининг ўзига хос психологик хусусиятлари, шунингдек динамикасини, яъни ушбу масала бўйича кейинги 15 йил ичидаги ўзгаришларини аниқлаш мақсадида биз томондан солиштирма таҳлил олиб борилди.

Таҳлил натижаларига кўра моддий-молиявий масалалар эр-хотин можаролари сабабларининг энг етакчи ўрнида сақланиб қолмоқда. Агар никоҳдан қаноатланмаган эр-хотин жуфтликлар орасида «моддий қийинчиликлар» аънага кўра етакчи биринчи ўринни эгалласа, никоҳдан қаноатланган гуруҳида бутун учта етакчи ўринларни (2, 3 ва 4 ўринлар) оилавий ҳаётнинг моддий-молиявий масалалари эгаллайди (2 ўринда оиланинг даромадини нотўғри олиб бориш, 3 ўринда моддий қийинчиликлар, 4 ўринда ноқулай яшаш шароити).

Ўтказилган сўровномалардан олинган жавоблари таҳлили асосида никоҳдан қаноатланган эр-хотинларга кўпроқ никоҳ шериги шахсиятига кам боғланган объектив сабабларга кўра жанжаллашишлар ҳослиги, никоҳдан қаноатланмаган эр-хотинларга эса никоҳ шериги шахсининг ўзига танлиги кўпроқ даражада боғлиқ сабабларга кўра жанжаллашишлар ҳослиги кўринади.

Икки босқичда олиб борилган тадқиқотларда (1997-99 ва 2010-2013 йиллар) қорақалпоқ оилаларининг етакчи сабабларининг солиштирма таҳлили қуйидаги умумий ва ажралиб турадиган ўзига хос хусусиятларини кўрсатади.

1997-99 ва 2010-13 йиллар оилалари учун умумий бўлиб, икки гуруҳ оилалари учун эр-хотинлик ҳаётида никоҳдан қанчалик қониқиш даражасига қарамасдан, моддий-молиявий масалалари жуда муҳим ҳисобланади. Шу билан бирга, никоҳдан қониққанлар никоҳдан қониқмаганларга нисбатан кўпинча эр-хотинлик муносабатларда моддий қийинчиликларни анча жонли шаклда белгилаб кўрсатади, аммо етакчи биринчи ўринни олдинга чиқармай, нисбатан бекинроқ шаклда.

Диссертация тадқиқотлари натижасига кўра, кейинги 15 йил ичида қорақалпоқ оиласида эр-хотинлик можароларнинг етакчи сабаблар таркибидаги ўзгаришлар дилдаги сирли муносабатларнинг аҳамияти кескин

ўсиши ва респондентлар эр-хотинлик ҳаётнинг ушбу томонини етакчи муаммоли омилларнинг бири равишда эркинроқ кўрсатиши ҳисобланади.

Ушбу масала 15 йиллик бўлиб ўтган эр-хотинлик сабаблар ичида қорақалпоқ шаҳар оиласида 14 ўринни, қишлоқ оиласида – 10 ўринни эгаллади. 15 йил ичида аҳамияти томонидан беш ўринга олдинга чиқди.

Юқорида баён этилганларни инобатга олиб этиш жойизки, Қорақалпоғистонда аёллар ўзбекларга, тожикларга нисбатан жинслараро муносабатларда тарихий анча эркинроқ бўлган.

Барча мамлакатларда, шу жумладан Ўзбекистон ва Қорақалпоғистонда ҳам ажралишлар муаммоси анча долзарблигича қолмоқда (1- жадвал).

1- жадвал.

**Қорақалпоғистон Республикасида 2001-2018 йиллардаги
ажралишлар динамикаси**

Ажралишлар сони							
	2001	2004	2007	2010	2013	2017	2018
Қорақалпоғистон Республикаси	583	667	702	870	982	1309	1344

Ажралишлар куйидаги салбий оқибатларга олиб келади: нотўлиқ оилалар, ёлғиз оналар, ота-оналар депривацияли болалар, вояга етмаганлар орасидаги жиноятчиликнинг ўсиши, эркак шахсида феминизация ва аёлларда маскулинизация тенденциясининг кучайиши, никоҳ мустаҳкамлигининг кучсизланиши, оилада психологик кескинликнинг ошиши. Булар ўз навбатида оилавий кадрятларнинг келажакда кадрсизланиши (девальвация), ўспиринлар ва ёш йигитларда ота-оналар обрўсининг пасайиши, маънавий негизлар ва миллий анъаналарнинг кучсизланиши, болалар ва аёллар орасида суицид ходисаларининг, жамиятда ичкиликбозлик, гиёҳвандликнинг ва суицидликнинг ўсишига, аҳолининг психологик саломатлик ҳолатининг янада ёмонлашишига, жамиятда ҳар ҳил турдаги жинсий зўрликнинг, айниқса педофилиянинг кўпайишига, жинсий йул билан ўтадиган касалликларнинг кўпайишига, ОИТС статискасининг ўсишига шароит яратади.

Қорақалпоғистонда ўтказилган бизнинг тадқиқотимиз, юқорида баён этилган сабаблар таҳлилини шартли равишда икки гуруҳга бўлиш мумкинлигини кўрсатади: ижтимоий-иқтисодий ва ижтимоий-психологик.

Сабаблар ичида асосийлари ижтимоий-иқтисодий сабаблар деб аниқланди. Ижтимоий-психологик омилларнинг муҳимлиги ва долзарблигини кўпинча кучайтирадиган, яъни жамиятда ажралишларнинг асосини ижтимоий-иқтисодий ўзгаришлар таркиб этадиган шароитлар ўзига эътибор тортади. 15 йил илгари ажралишларнинг етакчи сабаблари ичида моддий қийинчиликлар, гиёҳвандлик, эр-хотинларнинг бирининг озодликдан маҳрум бўлиши, эр-хотинларнинг бирининг бошқа мамлакатларга миграция қилиши (гастарбайтерлик), эркакларда бошқа иккинчи оиланинг мавжудлигини этиб ўтиш керак.

Диссертацияда суицидлик муаммоси ҳам ўрганилган. Статистик маълумотларга кўра Қорақалпоғистонда 2012 йили 396 суицидлик ходиса, 2013 йилда эса бу кўрсаткич 443 ходисага ошди, 2014 йилнинг биринчи чоракнинг ўзида 162 суицидлик ходиса белгиланганлиги қайд этилди.

Г.Б.Шоумаров маълумотларига кўра, Қорақалпоғистонда 2014 ва 2015 йиллар давомида суицид кўрсаткичлари бир ҳил бўлиб 9,6 таркиб қилади. Бу кўрсаткич Ўзбекистон бўйича ўртача кўрсаткичдан (8,6) юқори ва мамлакатимиз 14 минтақаси орасида бешинчи ўринни эгаллайди.

Ўзбекистон Республикасининг бошқа минтақаларида ҳам шундай суицидлик динамикаси кузатилади.

Суициднинг олдини олиш мақсадида кўйидагиларга алоҳида эътибор қаратишни мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаймиз:

1. Бу масалани республика ҳукумати даражасида амалиёт мутахассислар (психиатрлар, психологлар) иштирокида муҳокама қилиб ва Қорақалпоғистонда психиатрлик ёрдамни ва психологик хизматни ташкиллаштиришни такомиллаштиришда тегишли чоралар қабул қилиш.

2. Суицид эпид ўчоғининг (Қанликул, Кегейли) ижтимоий-психологик ва медицина сабабларини ўрганишда психологлар, социологлар, демографлар, генетикларнинг психиатр ва куч ишлатиш структура вакиллари билан биргаликда маҳсус комплексли тадқиқотлар ўтказиш.

3. Йилнинг баҳор ва кўз мавсумларида соғлом болаларда бир қатор руҳий касалликларнинг кучайишини ҳисобга олиб, шунингдек тез-тез учрайдиган авитаминоз, кўёш радиациясининг, магнит бўроннинг таъсирини мактаб ўқувчиларида ўқув йилининг учинчи қийин чорагидаги нисбатан чарчоклик билан боғлиқликни ҳисобга олиб, суициднинг олдини олишда тегишли чоралар қабул қилиш керак.

Ижобий чоралар сифатида маданий-оммавий тадбирлар (тоққа чиқиш, театрга бориш, тарихий маданий эсдаликларни томоша қилиш, Самарқандга, Бухорога, Хивага, Қўқонга, Тошкентга бориш, музейларга бориш, туристлик, экологик экскурсиялар ташкиллаштириш, кузикорин теришга, доривор гиёҳлар теришга ташкиллашган сайиллар, мевалар, сабзавотлар ва бошқа кишлоқ-хўжалик маданий ўсимликларни теришда ёрдамлашиш) бўлиши мумкин.

Мактабларда, академик лицейларда, касб-ҳунар коллежларда, олий ўқув юртларида ўқувчи ва талабаларнинг максимал иштирокида (сабаби ҳеч ким сиртда эътиборсиз қолиб қўймаслиги лозим) ҳар ҳил номинацияларни таъсис қилиш, спортнинг барча турлари бўйича ғолибларни ва барча қатнашчиларни тегишли мукофотлаш билан ҳар ҳил танловлар ўтказиш.

Боб оиланинг 21 мезони бўйича тегишли қисқа ва аниқ психологик тавсифи билан илк бор ишлаб чиқилган таснифни баён этиш билан яқунланган.

«Никоҳдан қаноатланган қорақалпоқ оиласининг ижтимоий ва этнопсихологик хусусиятлари» тўғрисидаги бешинчи бобда қорақалпоқ оиласининг ижтимоий-психологик ўзига хос хусусиятлари ва никоҳдан қаноатланиш динамикаси, бир-бирини тушунишнинг этнопсихологик ўзига

хос хусусиятлари, ўзига эмоционал тортиш ва ўзаро ҳурмат, шунингдек никоҳ мустаҳкамлигининг сабаблари сингари долзарб масалалар бўйича тадқиқот материаллари тақдим этилган.

Эр-хотинлик муносабатларинг фаровонлигининг етакчи интегратив кўрсаткичларининг бири бўлиб никоҳдан қаноатланиш ҳисобланади.

Диссертацияда олинган натижалар таҳлили шаҳарлик оилаларга нисбатан, қишлоқ оиласидаги эр-хотинлар оилавий ҳаётдан (никоҳдан) кўпроқ қаноатланганлигини, мисол учун, маълумотларга кўра ўн етти параметрнинг 14 да қишлоқ оиласида никоҳдан қаноатланиш даражаси шаҳарликлардан юқори бўлиб, шу вақтнинг ўзида шаҳарликлар учун ҳам қишлоқдаги оилалар хотинлари каби, эрлари учун ҳам энг паст параметри /III/ бўлиб, бўш вақтини биргаликда ўтказишни кўрсатади. Бу бўш вақтни ўтказиш маданиятнинг паст эканлиги туғрисида гувоҳ беради, вақт тансиқлиги ушбу масалани долзарб қилади. Барча оилалар учун бирдек камчиликни ҳисобга олган ҳолда, бўш вақтни ташкиллаштириш масалаларига, бўш вақтни ўтказишга шартли равишда вақт ажратиш масалаларига, соғлом ҳаёт тарзини шакллантиришда бўш вақт ўтказиш маданиятини оширишга кўпроқ эътибор ажратиш керак.

Шаҳарлик оилаларнинг никоҳдан қаноатланишининг паст даражасига тўхтасак, бизнинг фикримизча, улар қорақалпоқ оиласининг кўйидаги ижтимоий-психологик хусусиятлари билан белгиланади:

- айрим воқеаларда ўз фикрини чин юракдан ифодаламоққа йўл кўймайдиган қишлоқ оиласидаги эр-хотинларнинг нисбатан маҳвийлиги, одамовилиги; қишлоқ муҳитидаги ҳаддан ташқари ифодаланган ижтимоий назорат, эр-хотин ҳулқ-атворининг регламентацияси балки бунга имкон тўғдиради;

- қишлоқ муҳитида эр-хотинларнинг айтарли кўпроқ чидамлилиги;

- қишлоқ оиласида эр-хотинларнинг никоҳга камроқ талабчанлиги;

- эр-хотинларнинг нисбатан кўпроқ бандлиги, оиладаги ўрнининг қатъий регламентацияси ва қишлоқдаги эр-хотинларнинг умумий оилавий фаолиятидаги деярли кам алоқада бўлганлиги.

Назорат гуруҳлардаги Қорақалпоқ шаҳар ва қишлоқ оилаларидаги эр-хотинларнинг (респондентларнинг) никоҳдан қаноатланиш даражасининг умумий кўрсаткичлари қуйида келтирилган (2-жадвал).

Тадқиқотлар натижаларига кўра ёшларни оилавий ҳаётга тайёрлашда биринчи навбатда ҳиссиёт динамикаси туғрисида тасаввурни шакллантириш зарур, эр-хотинлар ҳаётининг биринчи йилларинг ўзига ҳос хусусиятлари туғрисида, қисман, «оилавий ҳаётнинг асосий сабаби шуки, бўлмайдиган нарса кутилади, ҳамма вақт бўладиган нарса кутилмайди¹».

¹ Толстой Л.Н. Собр.соч.; В 20 ти томах. - М.: 1965. Т.20. - С. 118.

**Қорақалпоқ шаҳар ва қишлоқ оилаларида эр-хотинларнинг
никоҳдан қаноатланиш даражаси**

М.А.Утепбергеновнинг маълумотлари						
	Қорақалпоқ шаҳар оиласида		P	Қорақалпоқ қишлоқ оиласида		P
	эркак	аёл		эркак	аёл	
1	2,4	2,2	P<0,01	2,6	2,53	P<0,05
2	1,83	1,87	P<незнач	2,5	2,37	P<незнач
3	2	2	P<незнач	2,46	2,57	P<незнач
4	2,17	2,5	P<0,01	2,43	2,17	P<0,05
5	1,72	1,9	P<0,05	2,36	2,43	P<незнач
6	2,25	2,43	P<0,05	2,43	2,27	P<незнач
7	1,75	1,87	P<незнач	2,4	2,18	P<0,05
8	2,32	2,37	P<незнач	2,47	2,4	P<незнач
9	2,08	2	P<незнач	2,07	2,1	P<незнач
10	2,03	2,17	P<незнач	2,62	2,53	P<незнач
11	1,12	1,27	P<незнач	0,73	0,77	P<незнач
12	2,6	2,67	P<незнач	2,67	2,8	P<незнач
13	2	2,17	P<незнач	2,53	2,3	P<0,05
14	2,47	2,48	P<незнач	2,27	2,63	P<0,01
15	1,85	2,03	P<0,05	2,25	2,43	P<0,05
16	2,52	2,67	P<незнач	2,6	2,7	P<незнач
17	1,92	1,93	P<незнач	2,9	2,73	P<0,01

Диссертация тадқиқотининг натижалари шундан гувоҳ берадики, қишлоқ оилаларида эр-хотинлар никоҳ шеригини ўз танловидан кўпроқ қаноатланган, шаҳар оилаларида эса бунинг акси.

15 йил (1998-2013 йиллар) давомидаги никоҳдан қаноатланиш бўйича солиштирма таҳлил натижалари (3-жадвал), 1998 йилда аёллари ўз эрларига нисбатан никоҳ ва оилавий ҳаётдан анча кўпроқ қаноатланганлигини кўрсатади. Мисол учун, ўн еттита параметрдан тукқизтасида (59%) аёлларнинг қаноатланиш даражаси эрлариникидан юқори бўлди. Еттита параметр бўйича (41%) аёл ва эрнинг кўрсаткичлари деярли тенг бўлди. Битта параметр бўйича (5,8%) эрларнинг қаноатланиши аёлининг даражасидан юқори бўлди.

Бунда эр ва аёлларнинг параметрлар бўйича ўртача қаноатланиш даражаси тегишли турда 2,06 ва 2,14 таркиб этган, бунда аёлларнинг никоҳдан қаноатланиши аниқроқ кўринадди (3-жадвал).

Сўнги 15 йил давомида (1998-2013 йиллар) эрларда никоҳдан қаноатланиш параметрлари бўйича ўртача кўрсаткичлар айтарли ўзгармаган (минимал пасайишдан ташқари, яъни 2,06 эди, 2,01 бўлди).

**1998-2013 йилларда қорақалпоқ шаҳар оилаларида эр-хотинларнинг
никоҳдан қаноатланиш даражасининг умумий кўрсаткичлари**

	Қорақалпоқ шаҳар оилалари. 1998 й.		Қорақалпоқ шаҳар оилалари. 2013 й.		Фарк
	эркак	аёл	эркак	аёл	
1.	2,4	2,2	2,33	2,01	P<0.05
2.	1,83	1,87	2,08	1,73	P<0.05
3.	2	2	2,14	2,21	P<незнач
4.	2,17	2,5	1,95	2,36	P<0.01
5.	1,72	1,9	2,05	1,43	P<0.01
6.	2,25	2,43	2,24	1,63	P<0.01
7.	1,75	1,87	1,91	1,36	P<0.01
8.	2,32	2,37	2,08	1,37	P<0.01
9.	2,08	2	1,84	1,54	P<0.01
10.	2,03	2,17	2,05	1,75	P<0.01
11.	1,12	1,27	1,25	1,07	P<0.01
12.	2,6	2,67	2,57	2,37	P<0.01
13.	2	2,17	2,13	2,08	P<незнач
14.	2,47	2,48	2,03	2,35	P<0.01
15.	1,85	2,03	1,95	1,75	P<0.01
16.	2,52	2,67	2,43	2,37	P<незнач
17.	1,92	1,93	2,06	1,73	P<0.01
Ўртача	2,06	2,14	2,01	1,78	P<0.01

Сунги 15 йил давомида эрларнинг никоҳдан қаноатланишда, оилавий шерик танлашда, оиланинг дўстоналигида, ота-оналар билан муносабатида (бизнинг фикримизча, ёш оилаларнинг ота-оналардан бўлак яшаш мақсадининг амалга ошмаганлиги билан боғлиқ бўлган), оилада эр-хотинларнинг ўрнининг ўзаро таъсири омадлилиги масалаларида бир оз яхшиланиш белгиланди.

Бизнинг фикримизча, 2013 йил аёлларнинг жавоблари, уларнинг оилавий хаётга бўлган қарашлари никоҳдан қаноатланиш баҳолари кенгрок информацияланган (ахборот, маълумот олинган).

1998 йилда аёллардан фарқли, 2013 йил тажрибадаги контингентлар орасида никоҳдан қониқишнинг умумий даражаси кескин пасайди. Агар 1998 йили никоҳдан қаноатланиш параметрлари бўйича ўртача кўрсаткич 2,14 балл бўлса, тажрибадагиларда (2013) бу кўрсаткич 1,78 баллга камайди. Бунда ўн етти параметрдан 16 тасида (94%) кўрсаткичларнинг ёмонлашгани белгиланади.

Қорақалпоқ шаҳар оилалардаги (ҚШО) аёлларининг етарли даражада қаноатланмаслиги, никоҳ шеригини танлашида, ота-оналар билан муносабатида акс этилади.

Эр-хотинларнинг ўзаро таъсиридаги ўринларидаги мавжуд бўлган жиддий оилавий можароларнинг, моддий таъминланишнинг ва оилавий даромадни оқилона юргизилиши, оилада тез-тез асабий ҳолатларнинг бўлиши, бўш вақт ўтказиш маданиятининг паст даражаси мавжудлиги олдинги натижалар сингари - ўзининг никоҳини баҳолашнинг юқори бўлмаган даражаси.

Бунда қониқишнинг даражаси 14 параметрлар бўйича эрларнинг даражасидан паст бўлди.

«ТЭО» (тушуниш, эмоционал ўзига тортиш, обрўлилик) методикаси бўйича олинган натижалар етарли информацияланган бўлиб ҳисобланади.


Маълумотлар бўйича эрлари учун аёлларнинг обрўлилиги алоҳида ифодаланган, бу эса рус оилаларида ҳам /Н.Волков/, ўзбек оилаларида ҳам /Н.А.Согинов/ кўрсатилмаган (4-жадвал).

4-жадвал.

**«ТЭО» (тушуниш, эмоционал ўзига тортиш, обрўлилик)
методикаси бўйича олинган натижалар**

		Омиллар:		
		Т	Э	О
Қорақалпоқ оилалари. /М.Утепберганов маълумотлари/	Эрлар	21,15	22,47	22,74
	Аёллар	20,08	21,28	22,67
Ўзбек оилалари. /Н.А.Согинов маълумотлари /	Эрлар	23,22	24,8	22,91
	Аёллар	22,4	23,65	24,54
Рус оилалари. /Н.Волкова маълумотлари /	Эрлар	18,6	27,4	26,0
	Аёллар	24,8	26,0	26,0

Бизнинг фикримизча, эрлари учун аёлларнинг анча обрўлилигининг сабаби этнопсихологик хусусиятларнинг бири бўлиб ҳисобланади, этнографияда ўрин эгаллаган ва фольклор мотивларда, удумларда Оролбўйи халқлари аёлларининг юқори статуси тасвирланган /167,170/ (1-расм).



* *КШЭ* - Қорақалпоқ шаҳар эркеклари, *ҚША* - Қорақалпоқ шаҳар аёллари.
ЎШЭ - Ўзбек шаҳар эркеклари, *ЎША* - Ўзбек шаҳар аёллари.
ҚҚЭ - Қорақалпоқ қишлоқ эркеклари, *ҚҚА* - Қорақалпоқ қишлоқ аёллари.
ЎҚЭ - Ўзбек қишлоқ эркеклари, *ЎҚА* - Ўзбек қишлоқ аёллари.


1-расм. Шаҳар эр-хотин жуфтликларида ТЭО даражалари (эксперимент ва назорат гуруҳларида)

Бизнинг фикримизча, ушбу ўхшашлик қишлоқ оилалари одатий шарқ тенденциялар кўпроқ сақланганлиги билан тавсифланади. Шаҳар оилаларида бўлса у замонавийроқ никоҳ-оилавий муносабатлари билан тавсифланади, бунда замонавий Европа маданиятининг кучли таъсири ифодаланиши.

Махсус адабиётлардан маълум бўлишича, замонавий эгалитар оилаларда никоҳнинг бир маромда бўлишида психологик омиллар (ўзаро тушуниш, эмоционал ўзига тортиш, муҳаббат, ҳурмат, яқинлик) етарлича ўрин эгаллайди. Шу сабабли, диссертация тадқиқотида муваффақиятли ўзбек шаҳар оилалари бўйича ўрганилган омилларнинг кўрсаткичлари эр-хотинларнинг иккаласи ҳам қишлоқ оилаларидагидан анча юқори (2-расм).

Бундан, ёшларни оилавий ҳаётга тайёрлашда никоҳолди омилларига алоҳида эътибор қаратишни тавсия қилиш кераклиги келиб чиқади, яъни никоҳолди танишув даврини узайтириш, сабаби у ёки бу ҳолатларда у шеригини тушунишга, хулқ-атвори ва ўзига хос ҳаракатларини билишга имкон яратади.

Қорақалпоқ оилаларида эркек учун аёлининг обрўлиги сабабларининг бири бўлиб, тарихийдан ташқари, маълум даврга ижтимоий-иқтисодий омил ҳисобланади. Бу эса оилада эркекларга нисбатан аёллар ўрнининг ўсишига имкон яратади, сабаби у ўзининг биологик ва ижтимоий табиатидан кескин ўзгарган ижтимоий-иқтисодий шароитларга осонроқ мослашади.



* *QShA* - Qoraqalpog'iston shahar eraklari, *QShA* - Qoraqalpog'iston shahar ayollari.
UShA - Ўзбек shahar eraklari, *UShA* - Ўзбек shahar ayollari.
QShQ - Qoraqalpog'iston qishloq eraklari, *QShQ* - Qoraqalpog'iston qishloq ayollari.
UShQ - Ўзбек qishloq eraklari, *UShQ* - Ўзбек qishloq ayollari.

2-расм. Қишлоқ эр-хотин жуфтликларида ТЭО даражалари (эксперимент ва назорат гуруҳларида)

ТЭО кўрсаткичлари бўйича қорақалпоқ қишлоқ оилалари ўзбек оилалари билан бир-бирига ўхшаш, ўзбек ва қорақалпоқ shahar оилалари орасида эса муҳим фарқ кузатилган.

Ўшбу бобда қисқача психологик тавсифи ва муаллифлик интерпретацияси билан никоҳ барқарорлигининг 15 омиллари ифодаланган. Оилаларнинг 5 типи тақдим этилган, уларнинг тўрттасида оила аъзоларининг бири «орадан четлаштирилган» бўлиб қолгани ҳисобланади.

Никоҳнинг барқарорлик омиллари орасида «Мурундық ота, эна» анъанаси батафсил баён этирилган. У илмий асосларга мувофиқ, ёш оиланинг талаб чегараларидан узоқлашган ва уруғ-авлод бойликларини (мерос) сақлашга, қорақалпоқ этносини психофизик ва психосоматик мустаҳкамлашга хизмат қилади.

ХУЛОСА

Ўтказилган тадқиқот натижаларининг илмий таҳлили асосида қуйидаги умумий хулосалар шакллантирилди.

1. Қорақалпоқ оиласи ва унинг ижтимоий-психологик муаммолари психология фанида махсус тадқиқот предмети бўлмаган.

2. Ўзбекистон Республикаси раҳбарияти, ҳукумати томонидан оила институтини мустаҳкамлаш учун барча шароит яратилганлигига қарамадан Қорақалпоғистонда ёшларни оилавий ҳаётга тайёрлашда ҳукумат топшириқларининг бажарилиши («Шарқона оила» бўйича 2011-2016 йиллар), академик лицей, касб-хунар ўқувчилари учун яратилган қорақалпоқ

варианти, ушбу ўқув предметидан дарс бераётган ўқитувчиларни тайёрлаш, малакасини ошириш, замонавий билимлар билан қуроллантириш, махсус мактабларда оилавий ҳаёт дарсларини ўтиш ва бошқалар талаб даражасида эмаслиги аниқланди.

3. Шу билан бирга ёшларни оилавий ҳаётга тайёрлаш ҳамда оила қуришда қорақалпоқ халқининг миллий урф-одатлари асосида миллатнинг саломатлигини таъминлашга қаратилган ниҳоятда чуқур маънодаги генеалогик қадриятлар борлиги аниқланди. Бундай урф-одатларни сақлаш ва уларнинг моҳиятини ёшларга илмий тарзда тушунтириб бориш керак.

4. Меҳрибонлик уйи тарбияланувчиларининг аксариятида ўз ота-оналари ҳақида салбий тасаввур шаклланиб, агар улар билан ўз вақтида психокоррекция иш олиб борилмаса ўзларининг истиқболдаги шахсий оилавий ҳаёти ҳам мустаҳкам бўлмаслик эҳтимоли каттадир.

5. Ёшларни оилавий ҳаётга тайёрлашда оилавий ҳаёт шахсдан билим, тафаккур, маълумот, касб-хунар, ақл, маънавият, сабр-чидам, ирода, матонат ва бошқа сифатларни талаб қилувчи тақдир синовлари эканлиги ҳақида тўғри ва тўлиқ тасаввур шакллантириш лозим.

6. Оилани мустаҳкамлик даражасини белгиловчи никоҳолди омиллардан қорақалпоқ этносига хос ижтимоий-психологик хусусиятлардан ёшларнинг оила қуришдаги мустақиллиги (ўзбек, тожик оилаларидан фарқли равишда), оила қуриш мотивлари ичида муҳаббатни, йигит ва қиз орасидаги интим муносабатларни расмийлаштириш, ота-оналар орзуларини амалга ошириш ва фарзандли бўлиш ҳамда турмуш ўртоғини моддий таъминоти мотивларининг етакчилиги, ўз уруғи билан никоҳ қурмаслик, «мурындық ата», «мурындық апа» ҳамда «қиз олиб қочиш» миллий анъаналарининг сақланиши ва бугунги замон талабларига мослаштирилиши кабилар аниқланди ҳамда уларнинг илмий ижтимоий-психологик моҳияти очиб берилди.

7. Никоҳолди давридаги ҳулқида тарихан ҳамда бугунги кунда ҳам қорақалпоқ қизларини нисбатан эркинлиги, мустақиллиги, шахсий масъулияти, бўлажак турмуш ўртоғини танлашда ҳам мустақил қарорга келиш эркинлигини етарли ифодаланиши этнопсихологик хусусиятлардан бирини ташкил этади.

8. Қорақалпоқ этносида бугунги кунгача сақланиб келган «мурындық ата» ва «мурындық апа» урф одати ёш оилани юзага келиши ҳамда уни мустаҳкам бўлишига ёрдам беришдан ташқари қорақалпоқ миллатини генофондини сақлаш ва халқни психосоматик жиҳатдан саломат бўлишига хизмат қилади. Шу каби маълумотлар «Оила психологияси ва этикаси» дарсларида, никоҳдан ўтаётган ёшларни «Оила» илмий-амалий тадқиқот марказлари мутахассислари томонидан ўқув курсларини ўтказишда ва аҳоли орасида илмий-оммабоп адабиётлар орқали аҳоли онгига сингдириб бориш лозим.

9. «Қиз олиб қочиш» миллий одати асосида ижтимоий-иқтисодий ҳамда ижтимоий-психологик сабаблар ётганлиги ва бугунги кунда қадимдан

қўлланиб келаётган ушбу урф-одат ёш оилани мустаҳкам бўлишига хизмат қилиши аниқланди.

10. Тараққий этган давлатларда кенг тарқалган никоҳларнинг бир варианты (тури) синов никоҳидир. Қорақалпоғистонда ҳам ушбу никоҳга ўхшаш вариантыни кўришимиз мумкин, аммо қорақалпоқ “синов никоҳи” чет элдаги синов никоҳлардан фарқли томони ёшларда никоҳ, оила, ота-она, фарзанд (агар бўлса) олдидаги бурчларини мавжудлиги билан тубдан фарқ қилади. Энг муҳими қорақалпоқ вариантыдаги никоҳ бу моҳиятан синов никоҳи эмас.

11. Оиладаги низоларнинг сабаблари ичида етакчиси қорақалпоқ оиласида иқтисодий-молиявий масалалар ташкил қилади. Никоҳдан қониққан оилаларда низо сабабларини объектив омилларидан изланса, никоҳдан қониқмаган оилаларда низо сабаблари сифатида турмуш ўртоғини шахсий хислатлари кўрсатилади.

12. Низоларни кечиши, ташқи ифодаланиши эр-хотинларнинг маълумот ва маданий савияси билан боғлиқлиги илмий асосланади. Маълумот ва маданий савия қанчалик паст бўлса низо шунчалик кўпол ва оғир кечади. Сўнги йиллари низо сабаблари ичида интим муносабатларини аҳамиятлиги кескин ошди.

13. Қорақалпоқ оилаларидаги ажралишларнинг асосий сабаблари ёшларни оилавий ҳаётга тайёрланмаганлиги, ёшларнинг аксарият қисмида ҳаётий қадриятлар, мустақиллик йиллари маънавият томонидан моддий, иқтисодий томонга оғишганлиги. Шу билан бирга ёш эрлар оилани моддий, молиявий эҳтиёжини қондиришда, аёллар эса оилада эр-хотин муносабатларида психотерапевтик функциясини бажаришга тайёр эмаслиги, аёллар эмансипацияси, маълумот савиясини ошиши, иқтисодий эркинликка эришиши, эрига тобелигини йўқолиши ёки кескин сусайиши ва бошқалар ташкил қилади.

14. Юқорида қайд этилган сабаб ва омиллар сўнгги 15 йил ичида аёлларнинг никоҳдан қониқиш савиясини пасайишига олиб келди.

Бу эса ўз навбатида эр-хотин, қайнона-келин муносабатларида низоларни ўсишига ва кескинлашишига олиб келмоқда. Ҳаёт оғирлашаётгани йук, аксинча халқнинг турмуши, кийиниши, овқатланиши чет элларга чиқиб дам олиб келиши, оилада 2-3 та шахсий автомашиналар бўлиши каби омиллар аҳоли фаровонлигини ошиши тўғрисида далолат бермоқда. Лекин шахсларнинг, айниқса оила доирасида эр-хотинларнинг бир-бирига бўлган талаб, танқидий қараш кучайиб, бир-бирига бўлган эҳтиёж камайиб бораяпти. Уларни барча эҳтиёжларини турли тарзда қондириши мумкин бўлган рақобатбардош муқобил хизматлар кўпайиб бормоқда. Бу эса маълум тоифа ёш оилаларни оила сифатида етарли шаклланмасдан ажралишга асосий омил вазифасини ўтайди.

Бу нафақат қорақалпоқ оиласи эмас, балки ўзга мамлакат халқларининг оилаларида ҳам кузатилиши мумкин бўлган ҳолдир.

15. Қорақалпоқ оиласига хос этнопсихологик хусусиятлардан бири ўзбек, тожик оиласидан фарқли равишда аёл шахсини, оиладаги обрўсини, мавқеини юқорилиги.

16. Никоҳнинг барқарорлик омиллари ва биринчи бор 23 та мезонга кўра оиланинг таснифи ишлаб чиқилди.

17. Суициднинг республика миқёсида, жумладан Қорақалпоғистон Республикасидаги статистик маълумотларни ижтимоий-психологик таҳлили ва талқини ифода этилди.

18. Имконияти чекланган болаларни оилавий ҳаётга тайёрлаш муаммолари очиб берилди.

Юқоридаги хулосалар асосида қуйидаги тавсиялардан оила институтини мустаҳкамлашда фойдаланиш мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаймиз:

- ёшларни оилавий ҳаётга тайёрлашда фақат оила, мактаб, академик лицей, касб-ҳунар коллежи, олий таълим муассасаси фаолият кўрсатмай балки маҳалла, оила билан боғлиқ барча тузулмалар ҳам ўз вазифасини тўлиқ бажаришини таъминлаш;

- таълим-тарбия муассасаларида болани ёши, жинси, этнопсихологик хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда замонавий ахборот-коммуникация технологиялардан самарали фойдаланган ҳолда оригинал дарслик, ўқув қўлланмалар, дидактик воситалар яратиш;

- оилавий ҳаётга тайёрлашда ҳадислар, ривоятлар, мақоллар, афоризмлар, алломалар фикрлари, ҳаёт кечинмаларидан мисоллар, таниқли адиблар асарларидан, кинофильмлардан лавҳалар, спектакллар кўриш ва уларни болалар билан таҳлил қилиш;

- болалар оилада ўз ота-оналари билан оила мавзусида суҳбатлар ўтказиш;

- имконияти чекланган болаларга оригинал дарсликлар тайёрлаш;

- суицидни олдини олишда ҳар бир шахсни индивидуал-психологик хусусиятлари ҳисобга олиш, зарур бўлганда психологик ёрдам бериш, депрессия, фрустрация ҳолатидан чиқариш, ҳаётнинг мазмунли қилиш чораларини кўриш;

- суицидни олдини олиш учун суткасига 24 соат оилавий психологик ёрдам кўрсатиш хизматларини ташкил этиш;

- оила буйича махсус психолог мутахассисларни университетларда тайёрлаш;

- оила психологияси ва этикаси предмети буйича қорақалпоқ этнопсихологиясини ҳисобга олган ҳолда оригинал дарслик яратиш;

- оила институтини мустаҳкамлашга йуналтирилган қорақалпоқ урф-одатлари ижтимоий-психологик тадқиқ ва илмий талқин этиш ҳамда унинг асосидаги чуқур маъноли ҳикматли моҳиятларини очиб бериш.

Бунинг учун:

- Қорақалпоғистон Республикасида яқин келажакда алоҳида психология илмий-тадқиқот институтини ташкил этиш мақсадга мувофиқ;

– меҳрибонлик уйларидаги тарбияланувчиларни оилавий ҳаётга тайёрлашда оила мавзусига оид тарбиявий соатлар, оилавий тадбирлар ўтказиш лозим;

– оилани мустаҳкамловчи, барқарор бўлишига хизмат қилувчи омиллардан самарали фойдаланиш керак.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ DSc.27.06.2017.Psi.01.07 ПО ПРИСУЖДЕНИЮ
УЧЕНЫХ СТЕПЕНИ ДОКТОРА НАУК ПРИ НАЦИОНАЛЬНОМ
УНИВЕРСИТЕТЕ УЗБЕКИСТАНА**

**ТАШКЕНТСКИЙ ГОСУДАРСТВЕННЫЙ ПЕДАГОГИЧЕСКИЙ
УНИВЕРСИТЕТ**

УТЕПБЕРГАНОВ МАРАТ АЛЛАНАЗАРОВИЧ

**СОЦИАЛЬНЫЕ И ЭТНОПСИХОЛОГИЧЕСКИЕ ПРОБЛЕМЫ
КАРАКАЛПАКСКОЙ СЕМЬИ**

19.00.05 - Социальная психология. Этнопсихология

**АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ
ДОКТОРА (DSc) ПСИХОЛОГИЧЕСКИХ НАУК**

Ташкент - 2019

Тема докторской диссертации зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан за № В2017.4DSc/Psi17

Докторская диссертация выполнена в Ташкентском государственном педагогическом университете.

Автореферат диссертации на трёх языках (русский, узбекский, английский) размещен на веб-странице по адресу www.ik.falsafa.uz и на Информационно-образовательном портале «Ziyonet» по адресу www.ziyonet.uz.

Научный консультант:

Шоумаров Гайрат Бахрамович
доктор психологических наук, профессор

Официальные оппоненты:

Каримова Василя Маманосировна
доктор психологических наук, профессор

Назаров Киёмиддин Нормирзаевич
доктор философских наук, профессор

Алеуов Усербай.
доктор педагогических наук, профессор

Ведущая организация:

Нукусский государственный педагогический институт

Защита диссертации состоится «__» _____ 2019 года в ___ часов на заседании Научного совета DSc.27.06.2017.Psi.01.07 при Национальном университете Узбекистана (Адрес: 100011, город Ташкент, Алмазарский район, ул. Университетская 4. Тел: (998 71) 227-12-24; факс: (998 71) 246-53-21; (998 71) 246-02-24, e-mail: nauka@nuu.uz)

С диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Национального университета Узбекистана (зарегистрирован за № _____ Адрес: 100174, город Ташкент, Алмазарский район, ул. Университетская 4 Тел: (99871)246-52-74 Автореферат диссертации разослан _____ 2019 года

(реестр протокола рассылки №__ от _____ 2019 года).

Д.Г.Мухамедова
Председатель Научного совета по присуждению ученых степеней, д.психол.н., профессор

Ў.Б.Шамсиев
Ученый секретарь Научного совета по присуждению ученых степеней, к.психол.н., доцент

Н.С.Сафаев
Председатель Научного семинара по присуждению ученых степеней, д.психол.н.

В В Е Д Е Н И Е (аннотация докторской (DSc) диссертации)

Актуальность и востребованность темы диссертации. Актуальность проблемы исследования в мире обусловлена увеличением числа семейных разводов; ростом детей, растущих без отца; преступлениями на семейно-бытовой почве, в частности, убийствами, насилиями, и как следствие этого ослаблением института семьи. В ряде развитых стран, например, в Бельгии наблюдается 70% разводов, в Испании, Португалии и Венгрии – более 60%, В России и США – более 50%⁶; в Исландии в 64% детей родились в неполных семьях⁷, в Швеции – 54%, Великобритании – 38%; случаи покушения на женщин в европейских странах составили 35%, убийства со стороны родственников – 17%⁸.

В мире проведены исследования по таким направлениям как семейное несчастье и насилие, психическое равновесие и здоровье холостых мужчин, статус мужчины и женщины в семье, усиление маскулинизации у женщин и феминизации у мужчин, роль женщин в семье в условиях повышения их различных социальных ролей, несоответствие в статусах мужа и жены, изменения в репродуктивной мотивации, повторные браки, опыт формирования семейных ценностей у учащихся в условиях эффективного использования современной этнопсихологии в укреплении института семьи. В соответствии с этими исследованиями одним из актуальных направлений социальной психологии является изучение этнопсихологических особенностей представлений молодёжи о семье и семейно-брачных отношениях, а также готовности молодых людей к семье.

Создание в Республике Узбекистан с целью решения на научной основе семейных проблем Республиканского научно-практического исследовательского центра «Оила», Управления Республиканского научно-практического исследовательского центра «Оила» в Республике Каракалпакстан, г.Ташкенте и в областях а также их территориальных отделений, принятие нормативного документа⁹ в сфере поддержки женщин и укрепления института семьи возложило на специалистов этой сферы ответственные задачи. Это ориентирует их на работу с женщинами, укрепление духовно-нравственных ценностей в семье, оказание психологической помощи женщинам, оказавшимся в тяжёлом социальном положении, воспитание детей и формирование социально-духовной среды в семье, организацию учебных курсов для воспитанников дошкольных образовательных учреждений и учащихся общеобразовательных школ.

⁶ <https://ru.ihodl.com/infographics/2017-02-14/grafik-dnya-statistika-razvodov-po-vsemu-miru>

⁷ http://statistika.ru/naselen/2007/11/24/naselen_9363.html

⁸ Глобальное исследование по проблеме убийств, 2011 год. Динамика, обстоятельства, данные /Управление организации объединенных наций по наркотикам и преступности/. – Вена, 2011. – С. 12.

⁹ Указ Президента Республики Узбекистан от 2 февраля 2018 года № УП-5325 “О мерах по коренному совершенствованию деятельности в сфере поддержки женщин и укрепления института семьи”.

Настоящее диссертационное исследование в определённой степени служит реализации задач, намеченных в Указе Президента Республики Узбекистан от 2 февраля 2018 года № УП-5325 “О мерах по коренному совершенствованию деятельности в сфере поддержки женщин и укрепления института семьи”, постановлении Президента Республики Узбекистан от 27 июня 2018 года № ПП-3808 “Об утверждении Концепции укрепления института семьи в Республике Узбекистан”, постановлениях Кабинета Министров Республики Узбекистан от 26 марта 2018 года № 229 “О мерах по организации деятельности Республиканского научно-практического исследовательского центра “Оила” при Кабинета Министров Республики Узбекистан”, от 26 марта 2018 года № 230 “Об организации специальных учебных курсов по переподготовке и повышению квалификации кадров в сфере укрепления института семьи”, а также других нормативно-правовых актах, касающихся темы исследовательской работы.

Соответствие исследования приоритетным направлениям развития науки и технологий Республики. Исследование выполнено в соответствии с приоритетным направлением развития науки и технологий республики – I. «Духовно-нравственное и культурное развитие демократического государства и правового общества, формирование инновационной экономики».

Обзор зарубежных научных исследований по теме диссертации¹⁰.

Исследования этнопсихологии народов Центральной Азии, в частности, проблемы семьи в Узбекистане, её социально-психологические аспекты проводились в университетах развитых стран: университетов Вайоминга и Иллинойса (США), Французского института исследований Центральной Азии, университетов Сорбонна-1 в Париже и Сорбонна-4 в Страсбурге, университета Чубу (Япония), Рурского университета (Германия), ряде университетов Великобритании. Только во французских университетах Сорбонна-1 в Париже и Сорбонна-4 в Страсбурге изучалась проблема влияния экологических изменений в Аральском море на здоровье местного населения.

Исследования влияния проблемы Аральского моря на каракалпакский народ проводились и в странах ближнего зарубежья: Тартусском государственном университете (Эстония), Московском институте психологии, Институте социологических исследований (Россия) и Научно-исследовательском институте психологии (Украина). В этих исследованиях в качестве приоритетных направлений изучались социально-экономические и психосоматические аспекты народов Приаралья, в частности,

¹⁰ <http://lettres.sorbonne-universite.fr>, <http://www.univ-paris3.fr>, <http://www.u-paris2.fr/fr> Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий-тадқиқотлар шарҳи <https://www.ephe.fr>; <https://ifeac.hypotheses.org>; <https://www.aku.edu>; <https://www3.chubu.ac.jp>; <http://www.uwyo.edu>; <https://cyberleninka.ru>; <http://tradition.iea.ras.ru> ва бошқа манбалар асосида амалга оширилди. P. Kunath. Changes in performance motivations related to social conditions. «Intern. J. of sport Psychology». Rome, № 1, 1974.; Ogilvie B, Tutko T, Lyon L. The Motivational Inventory. In «Sholastic Coach», San Xose, 1976.; K.Kohl. Uber Bedeutungsgehalte des Sportspiels.-In: «Sportpsychologie», Hofmann-Verlag, Schorndorf, 1972.; Vanek M, Hosek W, Svoboda B. Studie osobnosti ve sporty. Universita Karlova, Praha, 1974.; Biro H. Extroverzia a zmena vykorny v persepcnomotorickej uloke u sporto vsov. – «Teorie a praxe telesne vychovy», № 3, 1976.

каракалпакского народа. Во всех этих исследованиях установлено, что проблема Арала оказывает большое отрицательное влияние на социальные, экономические, психосоматические особенности каракалпакского и других народов. Однако в данных исследованиях не изучены в качестве предмета специального исследования социально-психологические проблемы каракалпакской семьи.

Каракалпакская семья только в конце XIX и начале XX веков изучалась географами, военными и этнографами России с этнографической точки зрения, их поверхностные, но вместе с тем первые, наблюдения зафиксированы и представляют определённую историческую ценность.

Степень изученности проблемы. Проблема семьи с древних времен привлекала внимание учёных. В трудах наших знаменитых соотечественников - Ибн Сино, Аль Хорезми, Ат Термизи, Имам Бухари, Накшбанди, Аль Фаргани, Мирзо Улугбек, Аль Фараби, Алишер Навои, Захириддин Мухаммад Бабур, Амир Темур, Замахшари и других мыслителей также рассмотрены психологические стороны семьи, даны отдельные психологические рекомендации, которые являются актуальными и для современной семьи.

Семья как объект исследования изучалась историками, антропологами, философами, демографами, археологами, учёными в области медицины, социологами, экономистами, этнографами, генетиками, педагогами и психологами.

Начиная с XIX века, особенно со второй половины, семья как отдельный объект и предмет исследования отражена в научных работах А.Н.Волковой, Е.В.Антонюк, Ю.Е.Алёшиной, Б.Н.Миронова, Н.Нарицына, Э.Н.Васильевой, С.И.Голод, Г.Муе, М.Саччу, В.А.Сысенко, В.Сатыр, В.А.Сжекно, Ч.С.Гризинкас, Э.Фрома, Р.Хилла, В.В.Стомина, А.Кроник, Е.Кроник, С.Кратихвил, Р.Нелнберта, М.Эриксона, Дороти, Р.Бенвер, Д.Басс, Н.Смелзар, Р.Зидер, М.Джемейса, О.Бонвар, Л.В.Кожжиной, Л.Я.Гозмана, К.Г.Юнга, А.Б.Добровича и других учёных.

